TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYOVIY
TADQIQOTLAR INSTITUTI ILMIY JURNALI

TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYO

TUPROQSHUNISLIKDAGI ENG
DOLZARB MAVZULAR

ВАЖНЕЙШИЕ ТЕМЫ
ПОЧВОВЕДЕНИЯ

THE MOST IMPORTANT THEMES
IN SOIL SCIENCE

ILMIY JURNAL №4/2022

ISSN 2181-0826

TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYO ILMIY JURNAL



MAZKUR JURNAL SAHIFALARIDA RESPUBLIKA VA XORIJIY MAMLAKATLARDA TUPROQSHUNOSLIK, AGROKIMYO VA AGROTUPROQSHUNOSLIK SOHALARIDA OLIB BORILGAN ILMIY TADQIQOTLAR NATIJALARI, YANGILIKLAR, ILMIY YUTUQLARGA OID MAQOLALAR CHOP ETILADI.

НА СТРАНИЦАХ ЭТОГО ЖУРНАЛА ПУБЛИКУЮТСЯ СТАТЬИ О РЕЗУЛЬТАТАХ НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, НОВОСТЯХ, НАУЧНЫХ ДОСТИЖЕНИЯХ В ОБЛАСТИ ПОЧВОВЕДЕНИЯ, АГРОХИМИИ И АГРОПОЧВОВЕДЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ И ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ.

ON THE PAGES OF THIS JOURNAL ARTICLES ARE PUBLISHED ON THE RESULTS OF SCIENTIFIC RESEARCH, NEWS, SCIENTIFIC ACHIEVEMENTS IN THE FIELD OF SOIL SCIENCE, AGROCHEMISTRY AND AGRICULTURAL SOIL SCIENCE IN THE REPUBLIC AND FOREIGN COUNTRIES.

№4/2022

TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYO» ILMIY JURNALI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI AXBOROT VA OMMAVIY KOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGIDA 2020 YIL 9 MARTDA 1056 SON BILAN RO‘YXATGA OLINGAN.

MUASSIS:

QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRLIGI HUZURIDAGI TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYOVIY TADQIQOTLAR INSTITUTI

BOSH MUHARRIR:
SHUHRAT BOBOMURODOV

MUHARRIRLAR:
ZAFAR BAHODIROV
AKBAR XUDOYQULOV
RAVSHAN NURMATOV

ADABIY MUHARRIR:
JALOLIDDIN JO‘RAYEV FIL.F.D

MA’SUL KOTIB:
MIRAZIZ MIRSODIQOV

TAHRIR HAY’ATI:
SH.J.TESHAYEV, Q.X.F.D., PROFESSOR
M.I.RUZMETOV, Q.X.F.D.
A.M.TO‘RAYEV, B.F.D., PROFESSOR
M.A.MAZIROV, B.F.D., PROFESSOR
A.N.CHERVAN, Q.X.F.N., DOTSENT
A.X.HAMZAYEV, Q.X.F.D., PROFESSOR
SH.N.NURMATOV, Q.X.F.D., PROFESSOR
J.S.SATTAROV, Q.X.F.D., AKADEMIK
A.X.ABDULLAYEV, T.F.D.
R.A.TO‘RAYEV, T.F.D.
N.YU.ABDURAHMONOV, B.F.D., PROFESSOR
L.A.G‘AFUROVA, B.F.D., PROFESSOR
H.T.ARTIQOVA, B.F.D.
T.A.ABDRAHMONOV, B.F.N., PROFESSOR
B.U. SUVANOV, Q.X.F.D.

JURNAL 2022 YILDAN CHIQA BOSHLAGAN. BIR YILDA TO‘RT MARTA CHOP ETILADI.

BICHIMI 60X84 1/8 «TIMES NEW ROMAN» GARNITURASIDA OFSET USULDA CHOP ETILDI.
SHARTLI BOSMA TABOG‘I 1,16 ADADI 80 DONA. BUYURTMA № 31 "AGRAR FANI XABARNOMASI"
MCHJ BOSMAXONASIDA CHOP ETILDI.

**TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYO» ILMIY JURNALINING 4-SONI
QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRLIGI
MULTI MEDIA MARKAZI BILAN HAMKORLIKDA TAYORLANDI**

BOSISHGA RUXSAT ETILDI: 20 12 2022 YIL.

TAHRIRIYAT MANZILI:
TOSHKENT VILOYATI QIBRAY TUMANI
BOBUR KO‘CHASI 4-A.
E-MAIL: JURNAL@SOIL.UZ
SOILJURNAL@UMAIL.UZ

BOSMAXONA MANZILI:
QIBRAY TUMANI UNIVERSITET
KO‘CHASI №2

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

ВОИТОВ АЗИЗ БОТИРОВИЧ. *«ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ САҚЛАШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИДАГИ ТАБРИК СЎЗИ*..... 6-7

ТУПРОҚШУНОСЛИК

БОБОМУРОДОВ ШУҲРАТ МЕҲРИБОНОВИЧ, БАҲОДИРОВ ЗАФАР АБДУВАЛИЕВИЧ. *ТУПРОҚШУНОСЛИКДА РАҚАМЛИ ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ*..... 8-12

ХОЛИҚУЛОВ ШОДИ ТУРДИҚУЛОВИЧ, ОРТИҚОВ ТЎЛҚИН ҚЎЧҚАРОВИЧ. *ЗАРАФШОН ВОҲАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ ВА ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАРИ*..... 12-15

ХОДЖАЕВА ЗАРИНА ФАХРИДДИНОВНА, РАШИДОВ НЕГМУРОД ЭЛМУРОДОВИЧ. *БУХОРО ВИЛОЯТИ ДЕНГИЗ-КЎЛ КОЛЛЕКТОРИ СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИ ТУПРОҚЛАРИГА ТАЪСИРИ*..... 16-18

БАҲОДИРОВ ЗАФАР АБДУВАЛИЕВИЧ, НОРМАТОВ ЁДГОР МАМАНАЗАРОВИЧ. *ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЗОМИН ТУМАНИ СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ*..... 19-22

А. И. БЕЛЕНКОВ. *АНАЛИЗ ЭЛЕМЕНТОВ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ КООРДИНАТНОГО (ТОЧНОГО) ЗЕМЛЕДЕЛИЯ В ПОЛЕВОМ ОПЫТЕ ЦТЗ*..... 22-25

КАТТАЕВА ГУЛНОЗА НОРҚУЛОВНА, ИСМОНОВ АБДУВАҲОБ ЖЎРАЕВИЧ, МАМАЖАНОВА ЎКТАМХОН ХАСАНБАЕВНА, ДЎСАЛИЕВ АЛИЖОН ТОШПЎЛАТ ЎҒЛИ. *ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҚУРИГАН ТУБИ ТУПРОҚ-ГРУНТЛАРИНИНГ ФОСФОР ВА КАЛИЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ*..... 26-29

АГРОКИМЁ

МАЗИРОВ М.А., ШЕНТЕРОВ А.А., ШЕНТЕРОВА Е.М., ХАЛИКУЛОВ Ш.Т. *ОРГАНИЧЕСКИЕ УДОБРЕНИЯ В СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ КОМПЛЕКСЕ*..... 30-33

НИЗАМОВ СОБИРЖОН АЪЛАЕВИЧ, РИСКИЕВА ХУРШИДА ТУРСУНОВНА, МИРСОДИКОВ МИРАЗИЗ МИРВОХИДОВИЧ, АЛИНАЗАРОВ БУНЁДЖОН АБДУЛҲАМИД ЎҒЛИ. *СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИГА КИМЁВИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ* 34-37

ТОШҚЎЗИЕВ МАРУФ МАНСУРОВИЧ, БЕРДИЕВ ТОЛИБ ТУРСИНИЯЗОВИЧ, ҚОРАБЕКОВ ОТАБЕК ГУЛМУРОТОВИЧ, КАРИМОВ ХАИТОЛИ ХУРСАНОВИЧ, ЎРАЛОВА САОДАТ РАВШАНОВНА. *ОРГАНИК ДЕҲҚОНЧИЛИК ЮРИТИШДА ОРАЛИҚ ЭКИН ЕТИШТИРИЛГАНДА ГУМУС ВА ОЗИҚА МОДДАЛАРИ ДИНАМИКАСИ*..... 37-43

Б. И. НИЯЗАЛИЕВ, Б. Х. ТИЛЛАБЕКОВ, Ж. И. ИСМАЙИЛОВ, Б. А. ТИЛЛАБЕКОВ. *ТАРКИБИДА МИКРОЭЛЕМЕНТИ БЎЛГАН ЎҒИТЛАРНИ ҚЎШИМЧА РАВИШДА БАРГ ОРҚАЛИ ОЗИҚЛАНТИРИЛГАНДА ҒЎЗА ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАХТА ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ*..... 43-46

ИМАМОВ ФОЗИЛЖОН ЗОКИРЖОНОВИЧ, ОРТИҚОВ ТЎЛҚИН ҚЎЧҚОРОВИЧ. *МИНЕРАЛ ВА ОРГАНИК ЎҒИТЛАР ҲАМДА ФОСФОГИПСНИ ТАҚИР-ЎТЛОҚИ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ҲАМДА АММОНИЙ ВА НИТРАТ ШАКЛИДАГИ АЗОТ МИҚДОРИГА ТАЪСИРИ* 47-49

АГРОТУПРОҚШУНОСЛИК

M.I. RUZMETOV, M.N. NORQULOV. *TURLI DARAJADA DEGRADATSIYAGA UCHRAGAN TOG'OLDI YAYLOVLARIDA SUN'IY AGROFITOTSENOZ TASHKIL QILISHNING AFZALLIKLARI*..... 50-53

СОБИТОВ ЎЛМАСБОЙ ТОЖАХМЕДОВИЧ, ЮЛДОШЕВ ИСКАНДАР ҚУРБОННАЗАР ЎҒЛИ, ПЎЛАТОВ МУХИТДИН КАМОЛИДДИНОВИЧ, АБДУРАХМОНОВ НОДИРЖОН ЮЛЧИЕВИЧ. *МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ САЗ ТУПРОҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ ФИЗИК ХОССАЛАРИ*..... 53-57

ARTIKOVA KHAFIZA TUYMURODOVNA, NAZAROVA SEVARA MUSTAKIMOVNA, KHAMROYEV FERUZ HAMDAMOVICH. *PHYSICAL AND CHEMICAL PROPERTIES OF HISTORICALLY IRRIGATED PASTURABLE ALLUVIAL SOILS OF THE BUKHARA OASIS*..... 58-61

ТУПРОҚ МЕЛИОРАЦИЯСИ

САНГАДЖИЕВА ЛЮДМИЛА ХАЛГАЕВНА, КУРВАНТАЕВ РАХМОНТОЙ, САНГАДЖИЕВА ОЛЬГА СТАНИСЛАВОВНА, ДАВАЕВА ЦАГАН ДОРДЖИЕВНА, СОХОРОВА ЗИНАИДА ВАЛЕРИЕВНА, МАНЖИКОВА АМУЛАНГА ВИТАЛЬЕВНА. *БИОЛОГИЧЕСКИЙ КРУГОВОРОТ И ПОЧВЕННЫЕ ПРОЦЕССЫ В ЗОНЕ ПОЛУПУСТЫНЬ*..... 62-65

ҒУЛОМ ЮЛДАШЕВ, ХОЛДАРОВ ДАВРОНБЕК МАДАМИНОВИЧ. *ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ШЎРЛАНГАН ЎТЛОҚИ САЗ ТУПРОҚЛАРИ ВА ШЎРХОКЛАРИДА МИКРОЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ БИОГЕОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ*..... 65-69

УМИТОВА НИГОРА, ЗАКИРОВА САЛОМАТ ҚАСИМБАЕВНА. *ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРНИ ФИТОМЕЛИОРАЦИЯ ЙЎЛИ БИЛАН МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ*..... 69-72

ИСОҚОВ ВАЛИЖОН ЮНУСОВИЧ, МИРЗАЕВ УЛУҒБЕК БУРХОНОВИЧ. *КОЛЛЕКТОР-ЗОВУРЛАР ТИЗИМИНИНГ ТУПРОҚДАГИ ТУЗЛАРНИНГ ҚАЙТА ТАҚСИМЛАНИШИДАГИ РОЛИ*..... 73-75

РАМАЗОНОВ АБИТ РАМАЗОНОВИЧ, ХОЖАСОВ МУРАТБЕК АЛЛАМУРАТОВИЧ, АБДУЛЛАЕВ ШЕРАЛИ МАМАРАЖАБ УГЛИ. *ПРОИЗВОДСТВЕННЫЙ «ОПЫТ» ЭКСПЛУАТАЦИИ КОЛЛЕКТОРНО-ДРЕНАЖНЫХ СИСТЕМ В ОРОШАЕМОЙ ЗОНЕ УЗБЕКИСТАНА*..... 76-80

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Азиз ВОИТОВнинг «Тупроқ унумдорлигини сақлашда рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари ва муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманидаги табрик сўзи

Ҳурматли анжуман иштирокчилари ва меҳмонлар!
Ҳурматли дўстлар, хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган «Тупроқ унумдорлигини сақлашда рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари ва муаммолари» республика илмий-амалий анжуманида қутлашдан мамнунман.

Тупроқ инсонларга берилган энг асосий ва бебаҳо бойлик, битмас-тугамас мулк ҳисобланади. Тупроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади.

Тупроқ – атмосфера, гидросфера, литосферанинг ўзаро бирлашган, бир-бирига таъсир ўтказувчи чегараларида, ер устида ва остида тирик организмлар, мавжудодлар ҳаёт фаолияти натижасида вужудга келган табиий биокос тана бўлиб, у ер устида тупроқ қопламини ҳосил қилади. Бир вақтнинг ўзида тупроқ ер юзасида унумдорлик қобилиятига эга бўлган биосферанинг асосий компоненти бўлиб, инсоният, барча тирик организмлар ҳаётининг мавжудлиги ва боқийлигини таъминлаб турувчи органик биомассани яратиш воситасидир.

Жаҳон миқёсида тупроқлар унумдорлигини сақлаш, уларни турли деградация жараёнларидан муҳофаза қилиш, тупроқнинг аҳамияти ҳақида хабардорликни ошириш ва тупроқ ресурсларидан барқарор фойдаланишни тарғиб қилиш мақсадида 2002 йилда Халқаро тупроқшунослик жамияти (ИСП) томонидан Бутунжаҳон тупроқ кунини нишонлаш тавсия этилган. Ушбу ташаббус, Таиланд Қироллиги ва Глобал тупроқ ҳамкорлиги ташкилоти томонидан илгари сурилган. БМТ нинг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ташкилоти (ФАО) тупроқлар ҳақида хабардорликни ошириш учун глобал платформа сифатида Бутунжаҳон тупроқ кунини расмий равишда белгилашни қўллаб-қувватлаган. ФАО конференцияси 2013 йилнинг июнь ойида Бутунжаҳон тупроқ кунини бир овоздан маъқуллади ва БМТ Бош Ассамблеясининг 68-сессиясида уни расман қабул қилишни сўради. 2013 йилнинг декабрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси 2014 йил 5-декабрни биринчи расмий «Бутунжаҳон тупроқ куни» сифатида белгилашни маъқуллади.

2020 йилнинг октябрь ойи бошида TED Countdown халқаро иқлим ташаббуси остида ўтказилган форумда нутқ сўзлаган Антониу Гутерриш глобал иқлим ўзгариши ва қурғоқчилик масалаларига алоҳида этибор қаратиш зарурлиги ҳақида гапирганди.

«Агар биз ҳозир ҳаракат қилмасак, бу аср инсоният учун сўнгги аср бўлиши мумкин. Глобал иқлим ўзгариши мисли кўрилмаган ўрмон ёнғинлари, кучли ва тез-тез учрайдиган циклонлар, тошқинлар, қурғоқчилик ва бошқа экстремал об-ҳаво ҳодисаларини келтириб чиқармоқда» – деган, – БМТ раҳбари.

Африканинг қурғоқчилик ва чўлланиш юқори бўлган ҳудудларидан тахминан 60 миллион нафар аҳоли бошпана, озиқ-овқат ва иш излаб Европа ҳамда Шимолий Африка мамлакатларига кўчиб ўтган.

Қурғоқчиликка мойил минтақалар ер сайёрасининг 40 фоизидан ортиғини эгаллайди ҳамда ушбу ҳудудларда икки миллиарддан ортиқ одам яшайди.

Турли даражада саҳроланиш суғориладиган ерларнинг 30 фоизида, лалмикор қишлоқ хўжалиги ерларининг 47 фоизида ва яйловларнинг 73 фоизида содир бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили 1,5 миллиондан 2,5 миллион гектаргача суғориладиган ерлар, 3,5 миллиондан 4 миллион гектаргача табиий ёғингарчилик билан намланган қишлоқ хўжалиги ерлари ва тахминан 35 миллион гектарга яқин яйловлар тўлиқ ёки қисман йўқолади.

Сайёрамизда глобал миқёсда содир бўлаётган саҳроланиш жараёнлари ёғингарчилик кам кузатиладиган Марказий Осиё минтақаси, хусусан Ўзбекистон ҳудудида ҳам йил сайин кучайиб бормоқда.

БМТнинг Ҳукуматлараро қўмитаси томонидан саҳроланишга қарши курашиш ва қурғоқчиликни юмшатиш бўйича 1994 йил 17 июнь Париж Конвенцияси қабул қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси ҳам саҳроланиш ва қурғоқчилик оқибатларига қарши курашишнинг муҳимлигини эътиборга олиб, 1995 йилда ушбу Конвенцияга қўшилди.

Ўзбекистон Республикасининг 70 фоиздан кўпроқ ҳудуди чўл ва чала чўлдан иборатлигини инобатга олсак, суғориладиган ерларда шўрланиш, ботқоқланиш, шамол ва сув эрозияси, яйловларда ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши, Орол денгизининг қуриши натижасида 3 млн. гектардан ортиқ майдонда Оролқум чўли пайдо бўлди. Натижада, ушбу ҳудудда экологик муҳит ёмонлашиб, саҳроланиш жараёнлари янада кучайди ва кўплаб ижтимоий муаммоларни юзага келтирди.

Мамлакатимизда юзага келган ушбу салбий жараёнларни олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш мақсадида давлатимиз раҳбари ва Ҳукумати томонидан тизимли ишлар амала оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2022 йил 10 июндаги ПҚ-277-сонли «Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида республикада ерлар деградациясига қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларини юмшатиш, ҳудудларда чўлланиш ва қурғоқчиликнинг олдини олиш, биохилмахилликни асраб қолиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш, ушбу йўналишдаги илғор илмий ишланмалар ва инновациялардан кенг фойдаланиш бўйича берилган топшириқлар ва белгиланган чора-тадбирларни кўрсатиш мумкин.

Шу билан бирга мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янги босқичга олиб чиқиш, соҳага рақамлаштириш технологияларини олиб кириш бўйича ҳам амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг марказий аппаратида аграр соҳани жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалаларига масъул бўлган вазир ўринбосари лавозими киритилди ҳамда 2 та махсус бошқармалар, яъни Аграр соҳада рақамли технологияларни ривожлантириш ва Геоахборот технологияларини ривожлантириш бошқармалари ташкил этилди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги мақсадлари, жумладан, деҳқон хўжалигини юритиш учун мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли ташкилотлар ҳамда идоралар билан келишишни электрон амалга ошириш мақсадида вазирликнинг «E-IJARA» автоматлаштирилган ахборот тизими, қишлоқ хўжалиги ер майдонларини, экинлар ҳолати ҳамда зарур инфраструктура объектлари бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида геоахборот тизими, «Agrosubsidiya», «Agroplatforma» каби ахборот тизимлари ишга туширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июндаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-273-сон қарорида Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси ҳисобидан қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш лойиҳалари учун 20 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни йўналтириш бўйича топшириқлар берилган.

Шу билан бирга, вазирлик тизимидаги Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти томонидан ҳам қишлоқ хўжалигини, ҳусусан, тупроқшунослик соҳасини рақамлаштириш йўналишларида тизимли илмий амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун ўз ишини бошлаган мазкур анжуман, қишлоқ хўжалигига ва шу билан бирга тупроқ соҳасига рақамлаштириш тизимини жорий этиш, ушбу йўналишда олинган янгиликлар ва инновацион ечимлар мамлакатимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларидан сифатли ва юқори ҳосил олишга ўз ҳиссасини қўшади, – деб ишонаман.

Бугун ўз ишини бошлаган анжуман иштирокчиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман ва анжуман ишига муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат!

УДК 631.4

ТУПРОҚШУНОСЛИКДА РАҚАМЛИ ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бобомуродов Шуҳрат Меҳрибонович,
Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти директори, б.ф.д., e-mail: shuhrat_bm@inbox.ru
Баҳодиров Зафар Абдувалиевич,
б.ф.ф.д. (PhD), к.и.х., бўлим мудири, zafarbahodirov@gmail.com
Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Мазкур мақолада тупроқшуносликда рақамли ва сунъий интеллект технологияларини қўллашнинг бугунги ҳолати, истиқболлари ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтида бу йўналишда олиб борилаётган ишлар ва режалар баён қилинган.

Калит сўзлар: тупроқ маълумотлари, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, интеллектуал таҳлил, маълумотлар базаси, географик ахборот тизими.

Аннотация. В данной статье описаны текушее состояние и перспективы использования цифровых технологий и технологий искусственного интеллекта в почвоведении, а также работы, проводимые в этом направлении в Институте почвоведения и агрохимических исследованийи планына будушее.

Ключевые слова: почвенные данные, цифровые технологии, искусственный интеллект, интеллектуальный анализ, база данных, геоинформационная система.

Annotation. This article describes the current state and prospects of using digital and artificial intelligence technologies in soil science, as well as the work being carried out and plans in this direction at the Institute of Soil Science and Agrochemical Research.

Key words: soil data, digital technology, artificial intelligence, intelligent analysis, database, geographic information system.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича 33% тупроқлар деградацияга учраган бўлиб, деградациянинг шу зайлда давом этиши 2050 йилга келиб 90% ни ташкил этиши мумкин. Ҳозирги вақтда бутун жаҳонда деградациядан кўрилаётган йиллик зарар 490 миллиард долларни ташкил этмоқда. Юздан ортиқ мамлакатларда 2,6 миллиард одам тупроқлар деградацияга учраши ва чўлланиш таъсиридан азият чекмоқда, бу эса ер юзининг 33% дан кўпроғига таъсир қилади. Яйловларнинг тахминан 73 фоизи деградацияга учраган, лалми ерларнинг 47% ва суғориладиган экин майдонларининг салмоқли қисми деградацияга учраган.

Сўнгги 50 йил ичида дунё аҳолиси 3 миллиарддан 7 миллиардга ошиб, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган юқори талабни яратди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти тахминларига кўра, 2050 йилгача дунё аҳолиси 30 фоизга ошади, демак, озиқ-овқат маҳсулотларини 70 фоизга ошишига эришиш керак. Ерларнинг деградацияга учраши, иқлим ўзгариши ва бозорнинг ўзгариши озиқ-овқат хавфсизлигида муаммоларни юзага келтирмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, ИТ-технологияларни ишлаб чиқаришга киритиш ускуналар, датчиклар, дронлар, сунъий йўлдошлардан олинган маълумотларни бир нуқтада бирлаштирадиган инновацион дастурлардан фойдаланган ҳолда оптимал қарор қабул қилиш орқали режалаштирилмаган харажатларни 20% гача ёки ундан ҳам кўпроқ камайтириши мумкин. Янги технологиялар, маҳсулот сифатини кафолатлайдиган ва харидорларнинг талабларини қондирадиган маҳсулотни сотишдан истеъмолчигача бутун йўлни кузатишга имкон беради.

Бу борада тупроқшунослик соҳасига рақамлаштиришни кириб бориши муҳим

аҳамият касб этади. Бугунги кунда рақамли технологиялар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Рақамли технологиялар иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида кенг тадбиқ этилмоқда ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг долзарб муаммоларини ҳал қилишга ҳисса қўшмоқда.

АҚШ, Канада ва Европадаги фермер хўжаликларининг 70 фоизга яқини аллақачон қишлоқ хўжалиги учун ақлли технологиялардан фойдаланмоқда.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида турли замонавий технологиялар, хусусан, рақамли технологиялар қўлланилмоқда. Масалан, масофадан туриб зондлаш, булутли ҳисоблаш ва Интернет тармоқлари (IoT) кабилардан кенг фойдаланилмоқда. Сунъий интеллект технологиялари кўплаб соҳаларда муваффақиятли қўлланилиб келаётган бўлса-да, у қишлоқ хўжалигида яқиндан, манфаатдор томонларнинг потенциал фойдаларини англай бошлагандагина қўлланила бошланди. Баъзи йирик қишлоқ хўжалиги корпорацияларининг фикрига кўра, сунъий интеллект технологиялари асосида фермерларга маслаҳатлар бериш дунё миқёсида экинлардан олинадиган йиллик глобал даромадни тахминан 20 миллиард АҚШ долларига кўпайтириши мумкин.

Республикада тупроқ тадқиқотлари натижаларини таҳлил қилишда янги технологиялар, хусусан, сунъий интеллект таҳлили усулларидан фойдаланиш тупроқшунослик фанини янги даражага чиқаришда катта аҳамиятга эга. Республикамизда барча соҳаларда инновацион технологияларни тадбиқ этиш, шунингдек, ер ресурсларини бошқаришда автоматлаштирилган геоахборот тизимини қўллаш ушбу тизимни етакчи ўринларга олиб чиқишда бугунги куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланади. Ушбу соҳада сунъий интеллект технологияларини қўллаш эса замонавий компьютер дастурлари ва қурилмалари асосида маълум бир объект ёки ҳудуд тўғрисидаги тўлиқ ахборотларни таҳлил этиш ва маълум йўналишдаги масалаларни ечиш, ўрганилаётган ҳудудлар геоахборот базаси ва моделини ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалиги экинларида кечадиган салбий ҳолатларни олдиндан башоратлаш ва бунинг ҳисобига эса ўсимлик ва ер ресурсларини самарали бошқариш имкониятини яратади.

Бугунги кунда тупроқшунослик соҳасида сунъий интеллект технолгияларидан фойдаланиш бўйича кенг кўламли илмий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, МсБратней ва бошқалар томонидан таклиф қилинган рақамли тупроқ хариталаш тизими орқали ёрдамчи ўзгарувчилар ва тупроқ хусусиятларини ўзаро боғлаш учун кўплаб башорат моделлари ишлаб чиқилган ва жорий этилган. Масалан, Минасни ва бошқалар тупроқ органик моддасини моделлаштириш ва тупроқ органик моддасининг атроф-муҳит ковариативлари билан алоқасини ҳар томонлама таҳлил қилди. Анъанавий ёндашувлар билан солиштирган ҳолда тупроқ хоссаларини ўрганиш учун умумлаштирилган чизиқли моделлар, регрессия дарахти моделлари, тасодифий ўрмон, кубист, вектор регрессиясини қўллаб-қувватлаш ва тасодифий ўрмон регрессияси каби сунъий интеллект алгоритмларидан фойдаланилган [1-11].

Сунъий интеллект технологиялари асосидаги услубларини фаннинг турли соҳаларида қўллаш, айниқса сўнгги 10 йил ичида тез суръатлар билан ўсди. Тупроқшунослик тадқиқотларида, хусусан, педометрикада, тупроқларнинг макон ва замонда тақсимланишини «ўрганиш» ёки маълумотлардан тушуниш учун статистик моделлардан фойдаланиб келинган. Масофадан ва проксимал равишда олиниши мумкин бўлган тупроқ маълумотларининг ва эркин фойдаланиш мумкин бўлган очиқ кодли алгоритмларнинг ортиб бориши тупроқ маълумотларини таҳлил қилиш учун сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишни тезлаштиришга олиб келди. Тупроқшунослик фанида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишга бир қанча мисоллар мавжуд бўлиб, буларга рақамли тупроқ харитаси орқали тупроқ типлари ва хосса-хусусиятларини башорат қилиш ёки тупроқ хусусиятларини аниқлаш учун инфрақизил спектрал маълумотларни таҳлил қилишларни келтириш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва ҳукумати миллий иқтисодиётни, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Бу борада бир қатор ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар

қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПҚ-5953-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш фан, таълим ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони шулар жумласидандир. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш топширилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сонли «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори асосида 2020-2021 йилларда қишлоқ ва сув хўжалигида рақамли технологияларни жорий этиш «Йўл харитаси» тасдиқланди.

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ҳам тупроқшуносликда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва фанни рақамлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб бормоқда. Кейинги йиллар давомида институт жамоаси томонидан Давлат илмий-техник дастурлари доирасида тупроқшуносликда АКТ технологияларини, жумладан, географик ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича бир қанча фундаментал ва амалий лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, «ГИС технологиялари ёрдамида суғориладиган тупроқларни агроэкологик баҳолаш», «Ердан фойдаланишнинг замонавий шаклларида суғориладиган тупроқлар унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва уни белгилашда геоахборот тизими технологияларини қўллаш», «Замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда тупроқ унумдорлиги мониторингини юритиш ҳамда тупроқ геоахборот-таҳлилий тизими (ТГАТТ)ни ишлаб чиқиш ва уни қўллаш», «Геоахборот тизими (ГАТ) технологияларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини оптимал жойлаштиришнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш» мавзуларида илмий лойиҳалар бажарилди. Ушбу лойиҳалар доирасида тупроқшуносликда анъанавий таҳлил усуллари ёрдамида олинган маълумотларни рақамлаштириш, ахборот тизимларини ишлаб чиқиш бўйича натижалар олинган.

Тупроқшуносликда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича институтда олиб борилган ишлар натижасида 11 та маълумотлар базаси ва дастурий маҳсулотлар учун Интеллектуал мулк агентлигининг муаллифлик гувоҳномалари олинди. Фанни рақамлаштириш бўйича институтда олиб борилаётган ишларнинг давоми сифатида жорий йилда институт таркибида «Тупроқ-географик ахборот тизимлари ва педометрия» бўлими ташкил этилди.

Бугунги кунда институт жамоаси томонидан яратилган «Шўрланган тупроқ» мобил иловаси ер ресурсларини бошқариш, қишлоқ хўжалигини янада самарали ривожлантиришга қаратилган тезкор ва аниқ тупроқ унумдорлигини бошқариш, сув ресурсларидан, минерал ва органик ўғитлардан мақсадли фойдаланишга ихтисослашган. Мобил иловада тупроқ механик таркиби, тупроқ шўрланиши (HCO_3, Cl, SO_4), тупроқ муҳити (pH) ва бошқа кўрсаткичлар бўйича маълумотларни тўплаш, сақлаш, таҳлил қилиш ва намойиш этиш; ер тоифалари бўйича график ва жадвал маълумотларини тақдим этиш, геосервер харитасидан фойдаланиш каби функциялар мавжуд. Ушбу мобил иловадан кенг миқёсда фойдаланиш натижасида ердан фойдаланувчилар томонидан тупроқлар ҳолати ҳақида маълумотлар тезкор ва қулай олиниши натижасида агротехник тадбирларни белгилашни автоматлаштириш ва ерлардан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Шунингдек, бугунги кунда Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтида Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги ПФ-6198-сонли «Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида «Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда тупроқ ресурсларини тезкор, аниқ ва самарали таҳлил қилиш, баҳолаш ва мониторинг қилиш бўйича дастурий маҳсулот яратиш» мақсадли амалий лойиҳаси олиб борилмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида аввало тупроқшунослик соҳасида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича адабиётлар таҳлил қилинди ва тизимлаштирилди. Шунингдек, тупроқшуносликда сунъий интеллект технологияларини қўллашнинг услублари, уларнинг нисбий самарадорлиги ўрганиб чиқилди. Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда таҳлиллар олиб бориш учун лойиҳа объекти бўлган Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани тупроқлари ҳолати бўйича маълумотлар базаси ишлаб чиқилди. Ушбу базада туман тупроқларининг механик таркиби, гумус ва озиқа элментлари билан таъминланганлиги ҳамда шўрланиш ҳолатига оид маълумотлар шакллантирилди. Ушбу маълумотлар базаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан тегишли муаллифлик гувоҳномаси олинди.

Шунингдек архив маълумотлари, бевосита дала-тупроқ тадқиқотлари натижалари ҳамда масофадан зондлаш маълумотлари асосида тупроқ хоссаларини таҳлил қилишнинг асослари яратилиб, сунъий интеллект технологиялари асосидаги дастлабки интеллектуал моделлари ишлаб чиқилди. Олинган маълумотлар асосида «Тупроқ ресурсларини тезкор, аниқ ва самарали таҳлил қилиш, баҳолаш ва мониторинг қилиш юзасидан илмий асосланган тавсиялар берувчи дастур» - UzSoilAI дастурий маҳсулот ишлаб чиқилди ҳамда Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани Ғ.Юнусов номли массивдаги суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида синов тариқасида амалиётга жорий қилинди. Ушбу ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан №– DGU 19472 рақамли муаллифлик гувоҳномаси олинди.

Ушбу дастур Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани тупроқларини сунъий интеллект технологиялари ёрдамида моделлаштириш асосида электрон тарзда тез, сифатли таҳлил қилиш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва бошқариш ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланишда илмий асосланган тавсиялар бериш функцияларини бажаришга мўлжалланган. Дастурнинг қуйидаги функционал имкониятлари мавжуд: сунъий интеллект технологиялари асосида ишлаб чиқилган моделлар ёрдамида тупроқларнинг шўрланиш ва озиқа моддалар билан таъминланганлик ҳолатини аниқлаш, тупроқлар ҳолатига кўра шўр ювиш, органик ва минерал ўғитлар қўллаш бўйича агротехник тадбирларни ўтказиш бўйича тавсиялар бериш, тупроқлар ҳолатига оид маълумотларни ойлик, оралиқ ва йиллик кесимларда мониторинг қилиш бўйича йиғиш ва сақлаш, танлаб олинган хариталарни jpeg форматида экспорт қилиш, сунъий интеллект технологиялари асосидаги янги моделлар киритиш, базани резерв сақлаш ва резервдан қайта тиклаш. Ушбу дастурий таъминотни тупроқ тадқиқот ишларини олиб бориш, тупроқ унумдорлик ҳолатини баҳолаш, маъмурий ҳудуд миқёсида тупроқлар унумдорлигини чекловчи омилларни аниқлаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган вазифаларни белгилаш ишларида фойдаланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тупроқшуносликда рақамли ва сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш бугунги кунда жуда долзарб масала бўлиб, бу йўналишда кенг ҳажмли илмий ва амалий ишлар олиб борилишини тақоза қилади. Тупроқшуносликда рақамли технологияларини қўллаш қишлоқ хўжалигини замонавий шаклга етказиш, янги «ақлли қишлоқ хўжалиги» концепцияси асосида юритиш имконини беради. Тупроқларни сунъий интеллект технологиялари ёрдамида таҳлил қилиш истиқболли бўлиб, ишлаб чиқилган интеллектуал моделлар асосида тупроқ унумдорлик кўрсаткичларини турли аниқликларда башорат қилиш мумкин. Бу эса ўз навбатида тупроқ унумдорлик ҳолатини тезкор аниқлаш ва шу асосда тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятларини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. McBratney A.B., Santos M.M., Minasny B., – 2003. On digital soil mapping. Geoderma – 117, 3, 52.
2. Minasny B., McBratney A.B., Malone, B.P. Wheeler, I., 2013. Chapter one - digital mapping of soil

carbon. In: Sparks, D.L. (Ed.), Advances in Agronomy. – Academic Press, – pp. – 1, 47
3. Hengl, T., Heuvelink, G.B., Kempen, B., Leenaars, J.G., Walsh, M.G., Shepherd, K.D., Sila, A., MacMillan, R.A., de Jesus, J.M., Tamene, L., 2015. Mapping soil properties of Africa at 250 m resolution: random forests significantly improve current predictions. PLoS One 10, e0125814.
4. Malone B.P., McBratney, A., Minasny, B., Laslett, G., 2009. Mapping continuous depth functions of soil carbon storage and available water capacity. Geoderma – 154 (1–2), – 138, 152.
5. Lacoste, M., Minasny, B., McBratney, A., Michot, D., Viaud, V., Walter, C., 2014. High resolution 3D mapping of soil organic carbon in a heterogeneous agricultural landscape. Geoderma 213, 296, 311.
6. Wälder, K., Wälder, O., Rinklebe, J., Menz, J., – 2008. Estimation of soil properties with geostatiscal methods in floodplains. Arch. Agron. Soil Sci. 54 (3), 275, 295.
7. Karunaratne, S., Bishop, T., Baldock, J., Odeh, I., – 2014. Catchment scale mapping of measureable soil organic carbon fractions. Geoderma 219, 14, 23.
8. Taghizadeh-Mehrjardi, R., Minasny, B., Sarmadian, F., Malone, B., 2014. Digital mapping of soil salinity in Ardakan region, central Iran. Geoderma 213, 15, 28.
9. Pahlavan-Rad, M.R., Akbarimoghaddam, A., 2018. Spatial variability of soil texture fractions and pH in a flood plain (case study from eastern Iran). Catena 160, 275, 281.
10. Taghizadeh-Mehrjardi, R., Nabiollahi, K., Kerry, R., – 2016. Digital mapping of soil organic carbon at multiple depths using different data mining techniques in Baneh region, Iran. Geoderma 266, 98, 110.
11. Forkuor, G., Hounkpatin, O.K., Welp, G., Thiel, M., – 2017. High resolution mapping of soil properties using remote sensing variables in South-Western Burkina Faso: a comparison of machine learning and multiple linear regression models. PLoS One 12, e 0170478.

УЎТ: 631.452.(631.6:631.4)

ЗАРАФШОН ВОҲАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ ВА ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАРИ

Холиқулов Шоди Турдиқулович,
кафедра мудири, қ.х.ф.д., профессор, e-mail:kholikulov48@mail.ru
Ортиқов Тўлқин Қўчқарович,
б.ф.н., доцент, e-mail:ortikovt@mail.ru

Самарқанд давлат университети

Аннотация. Мақолада Зарафшон водийсида тарқалган тупроқларда мавжуд бўлган долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Водийнинг тупроқ-иқлим шароити ва рельфидан келиб чиқиб тупроқда эрозия, шўрланиш, дегумификация жараёнлари бориши мумкин. Самарқанд вилоятида тарқалган автоморф бўз тупроқлар ва гидроморф ўтлоқ тупроқларда мавжуд муаммолар турли хил характерга эга. Масалан, бўз тупроқларда эрозияланиш жараёни кучлироқ ривожланган бўлади. Ўтлоқ тупроқларда шўрланиш ва шўртобланиш жараёнлари жадалроқ намоён бўлади. Лекин, дегумификация жараёни воҳанинг барча тупроқ тип ва типчаларида кузатилади.
Калит сўзлар: тупроқ, эрозия, шўрланиш, шўртобланиш, дегумифакация, гумус, азот, органик ўғит, алмашлаб экиш, томчилатиб суғориш.

Аннотация. В статье даны сведения об актуальных проблемах почв Зеравшанской долины и их решениях. В зависимости от почвенно-климатических условий и рельефа долины в почвах могут идти такие процессы, как эрозия, засоление, дегумификация. Проблемы в автоморфных (серозем) и гидроморфных (луговая) почвах Самаркандской области имеют разный характер.

Так, в сероземах более сильно развиты эрозионные процессы, а в луговых почвах – процессы засоления и осолонцевания. Однако, процессы дегумификации наблюдаются во всех типах и подтипах почв Зеравшанской долины.

Ключевые слова: почва, эрозия, засоление, осолонцевание, дегумификация, гумус, азот, органическое удобрение, севооборот, капельное орошение.

Annotation. The article provides information on topical problems of soils in the Zaravshan Valley and their solutions. Depending on the soil-climatic conditions and the topography of the valley, such processes as erosion, salinization, and dehumification can occur in soils. Problems in automorphic (serozem) and hydromorphic (meadow) soils are of a different nature. So, in serozem soils, erosion processes are more strongly developed, and in meadow soils, the processes of salinization and alkalinization. However, dehumification processes are observed in all types and subtypes of soils in the Zeravshan valley.

Key words: soil, erosion, salinization, alkalinization, dehumification, humus, nitrogen, organic fertilizer, crop rotation, drip irrigation.

Кириш. Суғориладиган тупроқлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун улар унумдорлиги ва экологик ҳолатини сақлаш, тиклаш ва яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Зарафшон воҳасида автоморф бўлган суғориладиган бўз ва гидроморф ўтлоқ тупроқлар кенг тарқалган ҳамда улар суғорма деҳқончиликда асосий улушни ташкил этади. Зарафшон водийси тупроқ-иқлим ва рельеф шароитларидан келиб чиқиб турли жойларда ушбу ерга хос бўлган специфик муаммолар мавжуд. Зарафшон водийсининг юқори қисмида тоғ олди ва адирларда нотекс рельефли ерлар тарқалган бўлиб уларнинг нишаблиги юқори бўлганлиги учун сув эрозиясига мойил ҳисобланади. Зарафшон водийсининг текислик ва чўл минтақасида шўрланган ва шўртобланган тупроқлар кенг тарқалган. Шу билан бирга водийдаги барча тупроқ тип ва типчаларида дегумификация жараёнлари кузатилади. Шунинг учун Зарафшон водийсидаги ушбу муаммоларни ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

Тадқиқот услублари. Тадқиқот экспедицион усулда ўтказилиб, механик таркиби ҳамда гумус миқдори бўйича турли гуруҳларга мансуб тупроқлардан кесмалар олинди ва кесмалар генетик горизонтлар бўйича морфологик жиҳатдан тавсифланади. Генетик горизонтлар бўйича тупроқ намуналари олиниб уларнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссалари, туз режими ўрганилди. Бунда гумус миқдори Тюрин усулида, тупроқдаги туз миқдори қуруқ қолдиқ бўйича сувли сўримда, ялпи азот, фосфор ва калий миқдори битта намунада Мальцева-Гриценко усулида аниқланди. Тупроқ ҳажм массаси цилиндр ёрдамида Качинский усулида, солиштирма масса пикнометрик усулда, ғоваклик тупроқ ҳажм ва солиштирма массалари асосида ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Зарафшон водийсининг Самарқанд вилоятида сув, жумладан суғориш эрозияси кенг тарқалган. Маълумотларга кўра, Самарқанд вилоятида 129,1 минг гектар суғориладиган ерлар бўлиб, шундан 27% турли даражада эрозияга учраган. Эрозияга учраган тупроқлар Ургут, Қўшработ, Нуробод, Каттақўрғон, Иштихон, Пастдарғом, Пайариқ каби туманларда кенг тарқалган. Бу тупроқлар алмашлаб экиш, органик ўғитларни қўллаш ва томчилатиб суғоришга энг муҳтож ҳисобланади. Гумус миқдорини кўпайтиришни органик ўғитлар ва алмашлаб экишсиз амалга ошириш ўта қийин масала. Суғориладиган тупроқларда эрозия жараёнларини олдини олиш ва камайтириш учун суғориш тизимини ўзгартириш, яъни жўяклаб суғориш ўрнига томчилатиб суғоришдан фойдаланиш керак бўлади.

Зарафшон воҳасининг адир рельефли қисмида эрозия билан бирга қаттиқлиги юқори даражадаги тупроқлар тарқалган. Бу ердаги бўз тупроқлар механик таркиби оғир бўлиб, тупроқнинг зич қовушмасини келтириб чиқаради. Бундай тупроқлар шўрланмаган, ҳажм массаси оғир, ҳаво алмашинуви ёмон, сув ўтказувчанлиги паст, кўпинча рельефи нотекс бўлади. Бу тупроқлардаги асосий муаммо қаттиқликнинг юқорилиги бўлиб, бу муаммони алмашлаб экиш, органик ўғит ва сидератларни қўллаш орқали ҳал қилиш мумкин. Акс ҳолда ушбу тупроқларда қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда суғориш ва тупроқни пастки қатламларигача намлантириш масалаларида, ўсимликлар илдизини нормал нафас олиб ўсиш ва

ривожланишида ечилиши қийин бўлган муаммолар юзага келади.

Зарафшон водийсида тупроқ унумдорлигига слабий таъсир этувчи яна бир муаммо бу тупроқ шўрланиши ҳисобланади [2; 3]. Бу ҳолат Зарафшон водийсининг денгиз сатҳидан нисбатан паст бўлган жойларида кўпроқ қайд этилган. Тупроқ шўрланиши яна бир муаммони келтириб чиқармоқда, яъни тупроқ сингдириш комплекси катион таркибида сингдирилган натрий ва магний улушини ортиш ва сингдирилган кальций катиони улушини камайиш жараёни юз бермоқда.

Зарафшон дарёсининг, қайири ҳамда I ва II терассаларида жойлашган ўтлоқ тупроқларда, Бухоро ва Навоий вилояти ўтлоқ аллювиал тупроқларида шўрланишга учраган тупроқлар кенг тарқалган. Самарқанд вилояти ўтлоқ тупроқлари асосан магний карбонатли шўрланишга учраган. Бундай тупроқлар тахминан 60 минг гектарни ташкил этади. Бухоро вилоятида сульфат ва хлорид ионлари билан шўрланган тупроқлар кенг тарқалган. Бухоро вилояти тупроқлари сингдириш комплексида магний ва натрий ионларининг улуши йилдан йилга ортиб бормоқда [2].

Демак, Зарафшон водийси тупроқларини шўрланишида иккита муаммо юзага келмоқда. Бу тупроқ сувли сўримида қуруқ қолдиқ миқдорини, яъни сувда эрувчан тузлар концентрациясини ортиб кетиши ва тупроқ сингдириш комплексида калций иони улуши камайиб, натрий ва магний ионлари улушини ортиши билан боғлиқ. Халқ тилида бу иккала ҳолат «оқ шўр» ва «қора шўр» деб аталади, демак ҳозирда «қора шўр» майдонларининг ҳам кўпайиб кетиши кузатилмоқда. «Қора шўр» тупроқни шўртобланганлигидан далолат беради. Шўртобланиш тупроқ хоссаларига салбий таъсир кўрсатади. Тупроқ ишқорийлигини ортиши кўпчилик озиқ моддаларни ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган шаклга ўтишига олиб келади.

Ўзбекистонда, жумладан Зарафшон водийсида шўрланган ва шўртобланган тупроқларнинг алоҳида ҳолдаги картасини йўқлигидир. Шўртобланган, яъни тупроқ сингдириш комплексида натрий ва магний ионларининг миқдори ва улуши юқори бўлган тупроқлар учун махсус карта ва картограммаларни яратилиши мелиоратив ҳолати ёмон тупроқларни яхшилашда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, «оқ шўр» ва «қора шўр» майдонларида ўтказилиши керак бўладиган тадбирлар бир биридан кескин фарқ қилади, улар турлича ёндошувни талаб қилади. «Қора шўр»ни фақат шўр ювиш билан йўқотиб бўлмайди. «Қора шўр»да тупроқ сингдириш комплексидаги адсорбцияланган натрий ва магний катионларини тупроқ эритмасига сиқиб чиқариш биринчи масала ҳисобланади. Бунинг учун бундай тупроқларда гипслаш ишларини олиб бориш керак бўлади. Гипслашда гипс билан биргаликда ўғит ишлаб чиқарувчи кимё комбинатларининг атрофида катта майдонларда чиқинди сифатида тўпланиб қолган фосфогипсдан ҳам фойдаланиш мумкин [1]. «Қора шўр» бўлган шўртобланган тупроқларда биринчи навбатда тупроқ сингдириш комплексида кальций иони улушини кўпайтириб, натрий ва магний ионлари миқдорини камайтириш керак бўлади. Бу ушбу ерларда базавий масала ҳисобланади.

Кейинги масала унинг изидан шўр ювиш ишларини олиб боришдир. Бундай тупроқларда гипслаш ишларини ўтказмасдан фақат шўр ювиш ишларини олиб бориш тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилашда ҳеч қандай натижа бермайди. Шўртобланган тупроқларда экинларни ўғитлаш тизими ҳам ўзига хос бўлиши керак. Улардан бири оддий суперфосфат ўғитини қўллаш ҳисобланади. Суперфосфат ўзида кальций сақлаши билан бирга гипсга эга бўлган қўш туз ҳисобланади. Шунинг учун, оддий суперфосфат нафақат фосфорли ўғит ҳисобланади, балки, у мелиорантлик хусусиятига ҳам эга. Шу билан бирга кальций сақловчи азотли ва комплекс ўғитлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Шўртобланган «қора» тусли тупроқларда органик ўғитлар, жумладан гўнг ва компостларни қўллаш ҳам сезиларли самара бериши мумкин. Органик моддалар таркибидаги органик моддалар, жумладан органик кислоталар шўрланиш ва шўртобланишни келтириб чиқарган катион ва анионлар билан бирикиб ионларга қийин парчаланадиган комплекс бирикмалар, жумладан органик кислоталар тузларини ҳосил қилиб зарарли минерал тузлар концентрациясини, хусусан натрий, магний, хлорид ионлари миқдорини ишонарли равишда камайтиради. Бу эса тупроқ туз режимига ижобий таъсир кўрсатади. «Оқ шўр» билан шўрланган тупроқларда биринчи ўринда шўр ювиш тавсия этилади.

Шўрланган тупроқда унинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан бошқа агротехник тадбирлардан самарали фойдаланиб бўлмайди. Шўрланган тупроқларда гумус муаммоси қанча долзарб бўлмасин, у шўрланишни йўқотишдан кейинги масала

бўлиб қолади.

Зарафшон воҳаси тупроқларида гумус муаммоси энг долзарб базали масалалардан бири ҳисобланади [4]. Чунки, қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда қўлланилаётган тадбирларнинг самарадорлиги тупроқнинг гумус ҳолатига боғлиқ. Гумус миқдорини оширишга қаратилган тадбирлар бошқа агротехнологияларни самарасини ошириб деҳқончиликни жозибадор кўринишга олиб келади. Бунда органик ўғитлар, хусуан гўнг ҳамда компост ва алмашлаб экишнинг ўрни беқиёсдир [1]. Бу эса ўз навбатида республикамизда, жумладан Зарафшон воҳасида ҳам экинлар структураси билан боғлиқ. Экин структурасида ем-хашак экинлари улушини кўпайтириш тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир қилган ҳолда чорвачиликни ривожлантиради. Деҳқончилик ва чорвачиликни биргаликда ривожлантирмасдан туриб тупроқ унумдорлиги ва деҳқончиликда сезиларли ютуқларга эришиб бўлмайди. Деҳқончиликни ривожлантириш учун ўша ернинг ўзида чорвачилик ривожланган бўлиши шарт. Беда экилган ер унумдорлиги тикланади, бу гумус миқдорини ортиши ва структурасини тикланиши ҳамда зичлигини камайиши, азот тўпланишида намоён бўлади. Беда экини органик ўғит чиқишини кўпайтириш, органик ўғитга талабчан бўлган ерлар майдонини камайтириш билан бирга азотли ўғитларга бўлган эҳтиёжни кескин камайтиради.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида муҳим муаммолардан бири азот муаммоси ҳисобланади. Тупроқда ялпи азот миқдорини ошириш, тупроқни минерал азот билан таъминланганлигини яхшилаш долзарб масала ҳисобланади. Чунки тупроқда ялпи азот миқдори жуда кам даражада бўлиб минимумда турган омиллардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга азот муаммосини алоҳида ечиш имконияти йўқ. Азот тупроқда фақат органик шаклда тўпланиши мумкин. Тупроқдаги азотнинг 99% органик моддалар таркибида, фақат 1% минерал шаклда бўлади. Азот минерал шаклда тўпланиш хусусиятига эга эмас. Шунинг учун минерал шаклга эга бўлган азотли ўғитларни қўллаш тупроқда минерал азот миқдорини вақтинчалик оширади, кейин унинг миқдори яна олдинги ҳолатига қайтади. Шунинг учун тупроқда азот муаммоси гумус муаммоси билан бирга ечилади.

Хулоса. Шундай килиб, Зарафшон водийси тупроқларида бир қанча муаммолар бўлиб, улар локал ва регионал характерга эга бўлиши мумкин. Уларнинг ечимини топиш тупроқ унумдорлигини ошириш, эрозиядан сақлаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдумаликов Ж. К., Холикулов Ш. Т., Влияние компостов, приготовленных из разных отходов, на усвоение хлопчатником питательных веществ из почвы и удобрений //Актуальные проблемы современной науки. №6 – 2018 – С. – 146-149.

2. Ортиков Т. К., Артикова Х. Т., Умаров О. Р., Бафоева З. Х. Формирование гумусного состояние луговых почв Бухароской области при разных степенях и типах засоленности // Сельское хозяйство Узбекистана. – 2019 – №11 – С.– 44.

3. Панкова Е. И., Засоление орошаемых почв Среднеазиатского региона: старые и новые проблемы //Аридные экосистемы, – 2016, том 22, – № 4 (69), – С. –21-29.

4. Холикулов Ш.Т., Ортиков Т. К. Суғориладиган тупроқлар унумдорлигини ошириш муаммолари / Ўзбекистон замини – №2 – 2021 – Б. – 13-18.

УДК: 631,41

БУХОРО ВИЛОЯТИ ДЕНГИЗ-КЎЛ КОЛЛЕКТОРИ СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИ ТУПРОҚЛАРИГА ТАЪСИРИ

Ходжаева Зарина Фахриддиновна,
II-босқич таянч докторант xadjaeva@2993gmail.com
Рашидов Негмурод Элмуродович,
ботаника фанлари номзоди, доцент
rashidovnegmurod@gmail.com

Бухоро давлат университети «Ботаника ва ўсимликлар физиологияси кафедраси»

Аннотация. Мақолада Бухоро вилоятида мавжуд суғориладиган ерлар ва тупроқларнинг таркиби батафсил ёритилган. Бундан ташқари коллектор-дренаж сувлари, айниқса, Денгизкўл коллектори сувларидан фойдаланишнинг қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқларига таъсири ва экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашда тубан сув ўтларини зовур сувларида кўпайтириш орқали унумдорлигини сақлаш ҳақидаги маълумотлар келтирилган.
Калит сўзлар: юксак ва тубан сув ўсимликлари, коллектор, мелиорация, чучук сув, шўрланиш, сизот сувлари.

Аннотация: В статье подробно описан состав имеюшихся орошаемых земель и почв Бухарской области. Кроме того, представлена информация о влиянии использования коллекторно-дренажных вод, в частности, коллектора Денгизкуль, на почвы сельскохозяйственных угодий и сохранение плодородия почв путем размножения водорослей в коллекторных водах при улучшении их эколого-мелиоративного состояния.
Ключевые слова: высшие и низшие водоросли, коллектор, мелиорация, пресная вода, засоление, грунтовая вода.

Annotation: The article provides the composition of the available irrigated lands and soils in the Bukhara region. In addition, information is provided on the effect of the use of collector-drainage waters, in particular Dengizkul collector, on the soils of agricultural land and the preservation of their fertility by breeding algae in ditch waters in improving their ecological-meliorative status.
Keywords: high and low algae, collector, reclamation, fresh water, salinity, grunt water.

Кириш. Қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқларининг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш ва эҳтиёжга молик экинлар самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Сўнгги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашуви, сув ресурсларининг турли омиллар таъсирида ифлосланиши сабабли озиқ-овқат ҳамда чучук сув захираларининг йилдан-йилга танқис бўлиб боришига олиб келмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларидан барқарор, юқори ҳосил олиш, қўшимча сув захираларини яратиш қийин. Бу борада бир қанча олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, самарали ва юқори натижаларга эришилган. Шу жумладан, А. Ҳамидов Амударёнинг қуйи оқимида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда шўрхок ерларни фитомелиорация орқали шўрсизлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борган. Д. С. Ёдгоров, С. Азимов, М. Л. Икрамовалар Бухоро вилоятининг сизот сувлари турли чуқурликда жойлашган шароитларида ғўзани суғориш тартибларини ўрганиб, ер ости суви 2 м гача чуқурликда жойлашган, механик таркиби оғир тупроқларда суғориш 1-2-1 тизимда, ер ости сувлари 2-3 м чуқурликда жойлашган ерларда 1-4-1 тизимда, ер ости сувлари 3 м дан чуқурда жойлашган шароитларда 1-5-1 тизимда суғориш мақул бўлишлиги аниқланган [1; 118-120].

Лаборатория шароитида Бухоро давлат университетининг Биотехнология ва ихтиология илмий лабораторияси ва Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли илмий лабораториясида Ю. Ю. Лурьева Н. С. Строганов услублари бўйича таҳлил қилинди.

Тупроқни шўрланиш даражасини камайтириш, қишлоқ хўжалиги экинларининг сувга бўлган талабини қондириш учун

Амударё суви ишлатилади. 1978 йилда Бухоро вилоятида коллектор сувларининг ҳажми 1494 млн/м^3 ни ташкил қилган [2]. Денгизкўл зовури Навоий вилоятидаги Шўрариқ зовурининг давоми сифатида Бухоро вилоятининг Когон туманидан зовурнинг юқори оқимида бошланади. Денгизкўл коллектори асосий ташлама зовур ҳисобланиб, бир қанча майда зовур сувларининг қуйилиши натижасида – сизот сувларини туман ҳудудидан чиқариб юбориш вазифасини бажаради.

Бухоро-Олот воҳаси Зарафшон дарёсининг қадимги ва ҳозирги замон дельтасига ва унинг атрофидаги ерларга жойлашган суғориладиган ерлар, Кармана-Конимех, Бухоро ва Қоракўл каби ўзига хос воҳаларда жойлашган ва қадимдан турли катта ва кичик зовурлар орқали суғориладиган ерлар мавжуд. Кармана-Конимех воҳаси тоғ олди минтақасига Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашган ва Зарафшон дарёси сизот сувлари учун зовур вазифасини бажаради; Бухоро воҳаси эса ҳавзанинг марказий қисмида жойлашган, Зарафшон дарёсининг субаэрал дельтасини ташкил қилади. Бу ерда дарёнинг эрозион кесими 3,0-8,0 метрни ташкил қилади. Биринчи чуқурликдан Зарафшон дарёси ва Аму-Бухоро канали сувларини тўплайдиган сув омбори сифатида фойдаланилади [3].

Бухоро вилояти майдони 4 млн. 200 минг гектар, суғориладиган ер майдонлари 275200 гектар, улардан 21329 гектари (0,3%) боғлар, 2674186 гектари (64%) яйловлар, 205616 гектари (4,9%) ўрмонзорлар ва 978348 гектари (23,3%) бошқа ер майдонларидан иборатдир. Қолган 7,5 фоиз ер майдонларини ташландиқ (залеж) ерлар ташкил қилади.

Гидрогеологик шароитлари – Кармана-Конимех воҳаси сизот сувлари аллювиал ва аллювиал-пролювиал, шағал-қум-гилли тупроқ қатламларда секин ҳаракат қиладиган ер ости суви оқимларидан иборат. Сизот сувлари чуқурлиги 1,5-3,0 м. Оқим йўналиши шимолий-ғарбга томон. Нишаблиги 0,001-0,004.

Сизот сувларининг кимёвий таркиби воҳанинг юқори қисмида гидрокарбонатли ва гидрокарбонат-сульфатли; марказий қисмида сульфатли ва сульфат-гидрокарбонатли. Шунингдек, чекка қисмида ва саҳро-чўлларида кимёвий таркиб сульфат-хлоридли ва хлорид-сульфатли. Бухоро вилоятида гидрогеологик мелиоратив шароит, асосан ер ости сизот сувлари гидро ҳамда гидрокимёвий режимига боғлиқ бўлиб, суғориладиган ер майдонлари Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида жойлашганлиги сабабли, мураккаб ҳисобланади.

Вилоятнинг ўрта ва қуйи қисмларида сизот сувларининг ер ости ҳаракати секинлиги ва уни ер юзасига яқин жойлашганлиги сабабли мелиоратив вазият ўта оғир ҳисобланади. Ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши ва иссиқ кунларнинг кўп бўлиши ер юзасига яқин жойлашган сизот сувларининг эвапотранспирацияга кўп сарфланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида аэрация қисмида туз миқдорининг кескин ошишига сабаб бўлади.

Оқибатда суғориладиган майдонларда шўрланиш қайта тикланади. Сизот сувлари сатҳининг ўзгариши бўйича режим ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у йилнинг ҳар хил вақтида турли чуқурликларда бўлади. Сизот сувларининг сатҳини максимал чуқурлиги 3,0-5,0 м. ни ташкил қилади. Режимнинг бу тури Зарафшон дарёсининг оқим бўйича ўнг томонига, вилоятнинг эскидан суғориб келинаётган ерларининг юқори қисмига тўғри келади. Сизот сувларининг максимум юқори жойлашуви 1,0-1,5 метрни ташкил қилса, унинг минимал чуқурлик бўйича жойлашуви 1,5-2,0 метрни ташкил қилади. Сизот сувларининг сатҳи ўзгариши оралиғи 0,4-1,3 м га тенг бўлади.

Бухоро вилоятининг суғориладиган ҳудудларида тарқалган тупроқ турлари ва майдони

Тупроқ тури	Майдони, минг га	%
Ўтлоқи-аллювиал, қайир-аллювиал тупроқлар	205,5	87,7
Тақир-ўтлоқи тупроқлар	49,3	8,0
Сур тусли қўнғир тупроқлар	11,2	4,1
Ўтлоқи-кумоқ тупроқлар	0,1	0,2

Ушбу тупроқ турлари вилоятнинг Вобкент, Бухоро, Пешку, Қоракўл, Олот туманларида кенг тарқалган. Бу тупроқлар қадимдан суғориладиган, маданийлашган, унумдор

тупроқлар бўлиб, ҳайдалма қатлам (0-40 см) таркибидаги гумус миқдори 0,86-1,6% ни, умумий азот 0,06-0,12% ни, умумий фосфор 0,11-0,18% ни ташкил қилади.

Вилоят тупроқларининг механик таркиби ҳар хил бўлиб, тупроқ турлари бўйича 36,2-74,0% ўрта механик таркибли (Бухоро, Пешку, Ромитон, Ғиждувон, Қоровулбозор туманлари). Механик таркиби оғир тупроқлар Когон ва Вобкент туманларида нисбатан кўпроқ, енгил механик таркибли тупроқлар эса Шофиркон, Жондор ва Қоракўл туманларида тарқалган.

Вилоятдаги мавжуд мелиоратив тармоқларнинг умумий узунлиги 8217,5 км (230,27 минг га) бўлиб, шундан очиқ коллекторлар 77216,4 км (214,77 минг га) ни, ёпиқ ётиқ зовурлар эса 1001,4 км (15,5 минг га) ни ташкил этади. Шунингдек ер ости босимли сувлар сатҳи юқори бўлган майдондарда 612 дона (42,4 минг га) мелиоратив тик қудуқлар ҳам мавжуд.

Туманлар бўйича энг кўп коллектор-зовур тармоқлари Қоракўл – 51,71 п.м/га, Олот – 55,66 п.м/га, Жондор – 40,28 п.м/га, Когон туманларида 43,36 п.м/га ни ташкил этади. Нисбатан кам коллектор-зовур тармоқлари Вобкент – 17,1 п.м/ни, Ғиждувон – 22,6 п.м/ни, Шофиркон туманларида – 23,1 п.м/ни ташкил қилади [4].

Бухоро вилояти бўйича 2010, 2015 йилларда сизот сувларининг коллектор-зовурлар орқали сарфи 2010 йилда 2453,68 млн.м^3, 2011 йилда 1959,40 млн.м^3, 2012 йилда 2348,05 млн.м^3, 2013 йилда эса 2304,48 млн.м^3 ташкил қилган. Бу эса вилоят ҳудудига олинадиган суғоришга ишлатиладиган сувларнинг 45-50% ни ташкил қилади.

Бухоро вилоятидаги Денгизкўл коллекторининг қуйи, ўрта юқори оқими сувларида Chlorella vulgaris, Chlorella pyrenoidosa ва Scenedesmus obliquus ни ўстириш орқали сувларнинг гидрокимёвий таркиби органо-минерал моддалардан тозаланади, суғориладиган майдонлар тупроғининг унумдорлиги оширилади ҳамда қишлоқ хўжалик экинларида ҳар хил бактериологик касалликлар келиб чиқишининг олди олинади. Чунки, сувларнинг таркибини тубан сувўтлари билан кўпайтириш орқали фотосинтетик жараён ҳисобига сувдаги кислороднинг миқдори 12,5-13,5 мг/л гача кўпаяди.

Сувлар таркибидаги азотли бирикмалар, нитрит, нитрат, фосфатлар сувўтлари томонидан тўлиқ ўзлаштирилади. Тажрибалар натижасида сувлар таркибидаги хлоридлар ва сульфатларнинг маълум миқдори камайиши кузатилди.

Хулоса. Бухоро вилоятида суғориладиган майдонларнинг ер ости сизот сувларининг сатҳи ўртача йиллик жойлашуви 2,46-2,50 м ни ташкил қилиб, бу кўрсаткич вилоятнинг юқори туманларида (Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Пешку) 2,65-2,80 м, вилоятнинг марказий туманларида (Бухоро, Ромитан, Когон) 2,46-2,70 м ва қуйи туманларида (Олот, Қоракўл, Жондор) 2,18-2,30 м атрофида бўлади.

Йил давомида вилоят чегарасига олинган сувлар билан 5,6 млн. тонна ҳар хил зарарли тузлар суғориладиган майдонлар таркибига қўшилган бўлса, зовурлар орқали эса 6,43 млн. тонна зарарли тузлар ҳар йили суғориладиган майдонлар ҳудудидан чиқариб юборилади. Коллектор-дренажлар орқали чиқиб кетаётган сувлар келиб қўшилган тузларга нисбатан 8,33 млн. тоннага кўп бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, вилоятдаги Денгизкўл коллекторининг қуйи, ўрта юқори оқими сувларида Chlorella vulgaris, Chlorella pyrenoidosa ва Scenedesmus obliquus ни ўстириш ёрдамида сувларни органо-минерал моддалардан тозалаш натижасида экилган ҳужайраларнинг сони ортди. Бунинг натижасида фотосинтетик жараён ҳисобига сувдаги кислороднинг миқдори 12,5-13,5 мг/л гача кўпайди.

Сувлар таркибидаги азотли бирикмалар, нитрит, нитрат, фосфатлар сувўтлари томонидан тўлиқ ўзлаштирилди. Тажрибалар натижасида сувлар таркибидаги хлоридлар ва сульфатларнинг маълум миқдори камайиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ёдгоров Д. С., Азимов С., Икромова М. Л. Сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш пахтадан мўл ҳосил олишнинг гаровидир – // Халқаро Атом Энергияси илмий анжумани ПСУЕАИТИ. – Тошкент: –2003.– 118-120.

2. Рашидов Н. Э. Бухоро вилояти коллекторларининг альгофлораси (Монография) Бухоро: – «Дурдона» –2020.– С. 7-13.

3. Xodjayeva Z. Географическое положение и экологический анализ коллектора Денгизкуль. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 2022, 8 (8). http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/5782

4. Xodjayeva Z. Сезонный анализ рва Денгизкуль. Центр научных публикаций buxdu.Uz), 2022. 8 (8). http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/4984

УДК: 631:452

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЗОМИН ТУМАНИ СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

Баҳодиров Зафар Абдувалиевич,
б.ф.ф.д.(PhD), ката илмий ходим,
Норматов Ёдгор Маманазарович,
II-босқич таянч докторант

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Мақолада Зомин тумани Лайлак уя массивида суғориладиган типик бўз тупроқларнинг гумус ва NPK миқдор кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган. Тадқиқот натижасида олинган тупроқ кесмаларининг таҳлилига кўра, ушбу тупроқлар гумуси билан кам ва ўрта таъминланган гуруҳларга мансублиги аниқланди.

Калит сўзлар: типик бўз, азот, фосфор, калий, гумус, озиқа элементлар, тупроқ.

Аннотация. В статье приведены данные о количественных показателях гумуса и NPK в орошаемых типичных сероземах массива Лайлакуя Заминского района. В результате использования орошаемых типичных сероземов почв в сельском хозяйстве отмечено снижение содержания гумуса и валового азота в почве.

Ключевое слова: типичный серозем, азот, фосфор, калий, гумус, питательные элементы, почва.

Annotation. The article presents data on the quantitative indicators of humus and NPK in irrigated typical serozem soils in the Laylakuya massif of the Zamin district. As a result of the use of irrigated typical serozem soils in agriculture, a decrease in the content of humus, as well as total nitrogen in the soil, was observed.

Key words: typical serozem soil, nitrogen, phosphorus, potassium, humus, nutrients, soil.

Кириш. Ҳозирги кунда аҳоли сонининг тобора ортиб бориши юзасидан аҳолини сифатли ва озиқага бойитилган экинлар билан таминлаш мақсадида тупроқ унумдорлигини янада ошириш ва уни органик ва анорганик моддалар билан бойитиш асосий мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда. Тупроқ структурасини яхшилаш орқали қишлоқ хўжалигида юқори ҳосилдорликка эришилади. Атроф муҳитдан оқилона фойдаланмаслик юзасидан тупроқда ҳозирги кунда тупроқларда кузатилаётган дегредация, тупроқнинг шўрланиши, сув танқисиги, тупроқни оғир металлар билан заҳарланишини кузатишимиз мумкун. Тупроқдан унумли фойдаланиш, яъни дегредацияга учраган тупроқларни яхшилаш, шўр ювиш муддатларини тўғри тақсим қилиш, тупроқни турли хил заҳарли элементлардан тозалаш ҳамда агротехник тадбирларни ўз вақтида қўлаш орқали тупроқ структурасини яхшилаш мумкин [6].

Тадқиқот жойи ва амалга ошириш услублари. Тадқиқот объекти сифатида Жиззах вилояти оч тусли бўз тупроқ минтақаси Зомин туман «Лайлак уя» массивида тарқалган суғориладиган типик бўз тупроқлари танлаб олинган. Дала шароитида тупроқ кесмалари олинди ва уларни морфологик ва генетик белгилари қайд қилинди. Тадқиқотларни бажаришда генетик-географик, стационар-дала ва кимёвий-аналитик услублардан фойдаланди [2]. Тупроқни умумий кимёвий, физик-кимёвий таҳлиллари умумқабул қилинган услублар бўйича Е. В. Аринушкина [3] қўлланмалари асосида бажарилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Жиззах вилояти Зомин тумани типик бўз тупроқлар минтақасида тарқалган суғориладиган типик бўз тупроқларнинг агрокимёвий ҳолати.


Келтирилган жадвалда тупроқ кесмасининг юқори қатламда гумус миқдори 1,20% дан қуйи қатлам томон камайганлиги кузатилди. Озиқа моддалар эса (умумий NPK

% да) азот - 0,034-0,082, фосфор - 0,129-0,165, калий - 0,830 ораликда эканлиги, ҳаракатчан озиқ моддалар эса мг/кг ҳисобида фосфор – 7-17, калий – 210-330 оралиқ фарқлари бўйича эканлиги кузатилди.


1- жадвал

Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг гумус ҳамда озиқа элементлари билан таъминланганлик даражаси

Кесма рақами, №	Чуқурлиги, см	Озиқа моддалар					
		Гумус	Умумий, %			Ҳаракатчан, мг/кг	
			N	P	K	P_2O_5	K_2O
1	0-31	1,20	0,082	0,165	1,22	17	330
	31-55	0,985	0,075	0,160	1,05	14	322
	55-86	0,897	0,064	0,147	0,980	11	280
	86-115	0,655	0,056	0,135	0,895	9	250
	115-157	0,441	0,034	0,129	0,830	7	210
Ўртачаси		0,836	0,062	0,147	0,995	11,6	278



1-расм. Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг гумус ҳамда озиқа элементлари билан таъминланганлик даражаси



2-расм. Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг ҳаракатчан озиқа элементлари билан таъминланганлик даражаси.

Маълумки, гумус ва озиқа элементлар ўсимликлар ҳаётида асосий аҳамият касб этади [3]. Гумус тупроқни унумдорлигини белгиловчи асосий омиллардандир. Тупроқда гумусни етарли бўлиши ҳамда ўсиликларни яхши ўсиб ривожланишига, ўсимликлардан юқори ҳосил олишда, тупроқда кечадиган барча жараёнларни фаол ҳолатда бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Ўрганилган ушбу кесманинг ҳайдов қатламида гумуснинг миқдори 1,2% бўлиб, кесманинг ўртача гумус миқдори 0,836 ташкил этади. Тадқиқот натижасида олинган тупроқ кесмаларининг таҳлилига кўра, ушбу тупроқлар гумуси билан кам ва ўрта таъминланган гуруҳларга мансублиги аниқланди (1-жадвал).

Республикамиз тупроқларида азот ўсимлик ўсиб ривожаниши учун асосий элементлардан бири ҳисобланади. Тупроқда азотнинг етарли миқдорда бўлиши ва ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилиши ўсимлик танасида кечаётган барча жараёнларга ижобий таъсир этади. Ушбу кесманинг ҳайдов қатламида умумий азот миқдори 0,082% бўлиб, кесманинг ўртача азот миқдори 0,062% ни ташкил этади (1-расм).

Ўсимликлар ҳаётида фосфорнинг аҳамияти жуда катта ўрин тутади. Тупроқда фосфорнинг етарли миқдора бўлмаслиги эвазига ўсимликлар яхши ўсиб ривожлана олмайди. Тупроқ таркибида фосфорни етарли бўлиши ўсимликлардан яхши ҳосил олишимизга катта имкон беради.

Ўрганилган кесманинг ҳайдов қатламида умумий фосфор 0,165% бўлиб, кесманинг умумий фосфор миқдори ўртачаси 0,147% ни ташкил этади. Ҳаракатчан фосфор эса 17 мг/кг бўлиб ва ушбу кесмадаги унинг ўртача миқдори 11,6 мг/кг эканлиги аниқланди. Бу эса ушбу тупроқларни фосфор билан жуда кам, кам ва ўртача (>15; 16-30; 31-45) таъминланганлик гуруҳларига мансублигини кўрсатади (1-жадвал).

Ўсимликлар одатда калийга бошқа элементлар сингари талабчан ҳисобланади. Шу сабабли тупроқ таркибида ўсимликлар учун зарур бўлган калий етарли миқдорда таъминланган бўлиши лозим. Ўрганилган кесманинг ҳайдов қатламида умумий калий миқдор кўрсаткичи 1,22% ташкил этиб, ушбу кесманинг (юқори қисмидан қуйи томон) тупоқ кесмасининг қатламлар орасида умумий калий миқдори ўртача ҳисобда эса 0,995% ни ташкил этади.

Алмашнувчи калий эса 330 мг/кг бўлиб, кесманинг ўртача кўрсаткичи 278 мг/кг ни ташкил этади. Бу тупроқлар кам, ўртача, кўп (101-200; 201-300; 301-400) гуруҳларга мансублигини кўрсатади.

Тупроқнинг лаборатория таҳлиллари натижаларига кўра, ҳудуд тупроқлари ҳайдов ва ҳайдов ости қатламида азот 0,082-0,075% ни (0,5-1%) кейинги қатламалари эса 0,034-0,064% ни (>0,5) ташкил этади. Умумий азотнинг ўртача миқдори эса 0,062% ни ташкил этади.

Ҳайдов ва ҳайдов ости ва кейинги қатламларида ялпи фосфор 0,225-0,384% ни ташкил қилиб, қатламлар бўйича ўртача 0,310% ҳисобда.

Ҳаракатчан фосфор эса 7-17 мг/кг эканлиги аниқланилиб, ҳаракатчан фосфор 11,6 мг/кг ни ташкил этади, бу эса ушбу тупроқларни ҳаракатчан фосфор билан жуда кам ва кам таъминланган гуруҳларга мансублигини (>15; 16-30) кўрсатади.

Умумий калий 0,830-1,22% ни, ўртачаси 0,995% ҳисобида, алмашинувчи калий эса ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида 322-330 мг/кг ни, алмашунувчи калийнинг ўртача миқдори 278 мг/кг бўлиб, кўп (301-400) ни, кейинги қатламларида 210-280 мг/кг ни ташкил этиб, ўртача (201-300) таъминланган гуруҳларга мансуб.

Тупроқнинг лаборатория таҳлиллари натижаларига кўра, ҳудуд тупроқлари ҳайдов ва ҳайдов ости қатламида азот 0,082-0,075% ни (0,5-1%) кейинги қатламалари эса 0,034 - 0,064% ни (>0,5) ташкил этади.

Хулоса. Оч тусли бўз тупроқлар минақасида тарқалган типик бўз тупроқларда гумус ва NPK миқдор кўрсаткичлари ўрганилиб, қонуният бўйича юқоридан қуйи қатламлар сари камайган. Азот миқдори кам ва жуда кам бўлиб, бу органик модда миқдорининг камлиги билан боғлиқ ҳолларда намоён бўлди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги экинларини ривожланиши ва ўсишига салбий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахмедов А. У., Парпиев Ғ. Т. Мирзачўлда олиб борилган тупроқ-мелиоратив мониторинги натижаларининг қисқача тавсифи // Ўзбекистон тупроқшунослари ва агрокимёгарлари жамиятининг V қурултойи материаллари –Тошкент: – 2010. 16-17 сентябрь, –110-114 б.
2. Қўзиев Р., ва бошқалар. Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома. Меъёрий ҳужжат, – Тошкент: – 2013. – 52 б.
3. Аринушкина Е. В. Руководство по химическому анализу почвы. –М.: –1970 г.
4. Тошқўзиев М.М., Очилов С.Қ. «Тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишда уни органик моддага бойитиш агротехнологияларини фермер хўжаликлари шароитида қўллаш натижалари» // Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш йўллари. Республика илмий-амалий анжумани маърузалари тўплами // – 2012. 12-13 июль – 24-29 б.
5. Бобомуродов Ш.М., Мақсудов Б.Й., Баҳодиров З.А. Тупроқ унумдорлигини баҳолашда геоахборат тизим технологияларидан фойдаланиш // Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги оширишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани маърузалари тўплами // 2014. 16-17 сентябрь. –Тошкент: –2014. –180-182 б.
6. Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг суғориладиган тупроқлари. –Тошкент: –2005. – 256 б.
7. Сатторов Ж., Сиддиқов С., Абдуллаев С., Эргашев А., Хаидмухаммедова З., Кулмуродова Я., Қосимов У., Акбаров Н. Агрокимё. –Тошкент: – 2011.

УДК 633.491:631.84

АНАЛИЗ ЭЛЕМЕНТОВ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ КООРДИНАТНОГО (ТОЧНОГО) ЗЕМЛЕДЕЛИЯ В ПОЛЕВОМ ОПЫТЕ ЦТЗ

А. И. Беленков, *профессор кафедры земледелия и МОД, Российский государственный аграрный университет – МСХА имени К.А. Тимирязева, РФ, г. Москва*

Аннотация. В статье приводится информация по внедрению и освоению технологии точного земледелия в сравнении с традиционной в опыте Центра точного земледелия (ЦТЗ). При использовании автопилота все агроприемы выполнялись качественно и адресно. Однако четкого преимущества точной технологии не выявлено. Под отдельные культуры зернопропашного севооборота следует применять комбинированную систему основной обработки почвы, сочетающую отвальный, минимальный и нулевой (прямой посев) способы.

Ключевые слова: точное земледелие, обработка почвы, автопилот, стыковые междурядья, дифференцированное внесение, электронные карты, урожайность.

Annotation. The article provides information on the introduction and development of precision farming technology in comparison with the traditional one in the experiment of the Center for Precision Farming (CTZ). When using the autopilot, all agricultural practices were carried out efficiently and targeted. No clear benefit of precision technology has been identified. For individual crops of grain-row crop rotation, a combined system of basic tillage should be used, combining moldboard, minimum and zero (direct sowing) methods.

Key words: precision farming, tillage, autopilot, interrow spacing, differentiated application, electronic maps, yield.

В этом году исполняется 15 лет со дня закладки и начала научных исследований в полевом опыте ЦТЗ Российского государственного аграрного университета - МСХА имени К.А. Тимирязева. Основу Центра составляет полевой опыт по изучению эффективности технологий точного и традиционного земледелия. Цель – дать сравнительную оценку обшепринятой технологии возделывания с.-х. культур и технологии точного земледелия, основанной на использовании новой современной сельскохозяйственной техники и сопутствуюшего спутникового программного

обеспечения системы GPS [1].

В рамках четырехпольного зернопропашного севооборота: викоовсяная смесь на корм – озимая пшеница – картофель – ячмень сравнивались две технологии, а также варианты отвальной, минимальной и нулевой обработки почвы. Первый вариант включал обработку оборотным плугом Eur Opal на20-22 см под все культуры, второй – обработку культиватором Pegasus на 12-14 см под картофель и ячмень. Нулевая обработка (прямой посев) предусматривался под озимую пшеницу и вику с овсом на корм.

К числу определяюших элементов технологии точного земледелия относится посев(посадка)с.-х.культурсиспользованием навигационного оборудования, т.е., автопилота [2]. В наших исследованиях посев зерновых культур (озимой пшеницы и ячменя) проводился, в одном случае, по автопилоту, в другом, по маркеру. При этом посев озимой пшеницы, ячменя и викоовсяной смеси на отвальном и минимальном фонах осуществлялся сеялкой точного высева Д-9-30 с применением системы GPS и маркера. По варианту нулевой почвы проводился посев пневматической сеялкой прямого посева DMC-3 только с использованием автопилота. Маркер при работе этой сеялки использовать не удавалось в силу конструктивных недоработок.

В среднем за период исследований при посеве ячменя и озимой пшеницы отклонения величины стыковых междурядий при посеве по маркеру соответственно составляли 3,2 и 4,7 см, тогда как при использовании автопилота в системе GPS их значения составили 1,4 и 1,8 см. При посеве зерновых культур, использование навигационного оборудования точного позиционирования обеспечивало размер стыковых междурядий менее агротехнически предусмотренных для данной операции величины, которая составляет ±2,5 см. Еше более снижалась величина междурядья, в среднем за 3 года, при посеве по автопилоту вики с овсом, она равнялась +0,3 см. Посев викоовсяной смеси и озимой пшеницы на делянках точного земледелия по нулевой обработке с применением средств навигации также давал положительный результат. При таком же агротребовании к величине стыковых междурядий, на кормовой культуре отклонения составили +0,2 см, на зерновой - +0,4 см, что на много меньше допустимых ±2,5 см.

На рисунке 1 показан внешний вид посевов ячменя при разных способах и времени посева. Использование средств спутниковой навигации (автопилот) возможно в условиях ограниченной видимости (ночь, туман, задымление), качество посевов при этом такое же, как в обычных условиях.



Рис. 1. Вид поля ячменя, посеянного в светлое время суток по маркеру (слева) и по автопилоту (по центру) и в темное время (справа).

Посадка картофеля осуществлялась картофелесажалкой GL-34T со стандартным междурядьем 75 см по автопилоту и маркеру. Заданная траектория движения агрегата, с использованием системы GPS, повторялась на варианте точного земледелия в ходе проведения гребнеобразования по всходам. По традиционной технологии возделывания картофеля этот прием проводился при визуальном контроле, т.е. движением агрегата управляет механизатор. Ширина междурядий между проходами картофелесажалки при

использовании маркера и автопилота разнилась незначительно, составляя по традиционной технологии в среднем от 60-65 до 80-85 см, т.е. отклонение от стандартного междурядья сажалки (75 см) в пределах от -15 до +15 см. Применение системы GPS при выполнении технологии точного земледелия обеспечивало отклонение в прямолинейности смежных рядков от 1,5 до 3,5 см. Важным условием развития полноценного растения картофеля является его расположение по отношению к центральной части гребня в ходе гребнеобразования. Проведение гребнеобразования в посадках картофеля, который возделывался по традиционной технологии, обеспечивало формирование растений картофеля с отклонениями от центра от 5 до 15 см. Это обуславливало односторонние изменения нарастания вегетативной части, неравномерность в образовании и развитии подземных клубней. При выполнении технологии точного земледелия растения картофеля располагались практически по центру рядка с допустимым отклонением порядка 1,5-3,5 см, что положительно отражалось на формировании урожая.

Второй компонент системы точного земледелия – внесение удобрений и средств химической зашиты растений (гербицидов) в зависимости от состояния культурных растений, наличия и обилия сорняков на отдельных участках поля с применением специальных сканеров и сенсоров, корректируюших количество вносимых удобрений и препаратов [3]. В наших опытах для выполнения указанных операций использовали сенсорные датчики Green Seeker (Германия) и N-sensor ALS (США) (рисунок 2).



Рис. 2. Сенсорные датчики GreenSeeker (слева) и N-sensor ALS (справа)

В полевом опыте Центра точного земледелия проведение корневых подкормок аммиачной селитрой проводится дважды за вегетационный сезон: при возобновлении вегетации ранней весной и в фазу колошения. Первая подкормка обеспечивает формирование продуктивной биомассы, вторая подкормка предназначена для налива зерна высокого качества. Обе подкормки проводятся с использованием датчика N-sensor ALS Yara. Наиболее контрастна разница в урожайности озимой пшеницы при сравнении делянок с применением подкормки по двум обработкам почвы: на варианте «прямой посев» урожайность была выше на 0,8 т/га по сравнению с вариантом «вспашка». При применении подкормок на варианте «вспашка» урожайность выросла на 20% по сравнению с контролем (2,4 и 1,9 т/га соответственно), на варианте «прямой посев» – на 29% (3,3 и 2,5 т/га соответственно). По отвальной обработке на точной технологии различия составляли 0,29 т/га, по нулевой при традиционной – 0,67 т/га. На фоне применения азотных подкормок в дозах 2×70 в традиционном земледелии и 2×60-80 (дифференцированно) в точном земледелии урожайность повысилась по сравнению с контролем без подкормок на 0,3–0,8 т/га.

Третьим слагаемым элементом точного

земледелия является - оценка содержания элементов питания почвы каждого конкретного участка поля. Один из способов такой оценки – отбор огромного количества почвенных проб, после чего в каждом образе определяется содержание азота, фосфора, калия, в результате чего формируется карта плодородия. Эта карта загружается в специальную программу SMS Advanced, формирующую задания для бортового компьютера машины для внесения удобрений. В результате на каждый квадратный метр поля будет внесено именно то количество удобрений, которые необходимы именно этому участку.

Урожайность является важнейшим интегрируюшим показателем эффективности и продуктивности посевов [4]. В таблице 1 приведена урожайность культур в полевом опыте за годы освоения точного земледелия.

Таблица 4 - Урожайность с.-х. культур в полевом опыте ЦТЗ, т/га

Культура	Техно-логия	Обработка почвы	Урожайность по годам, т/га								
			2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	Ср.
Вика+овес	точная	отвальная	20,5	10,8	20,6	22,1	24,5	31,2	25,3	22,8	22,2
		нулевая	19,4	9,4	27.3	24,3	25,3	28,9	27,5	6,0	21,0
Оз. пшеница	точная	отвальная	4,63	3,70	6,31	6,12	2.75	7.05	5,00	5.46	5.13
		нулевая	4,11	3.55	6,15	5.87	4.59	6,86	5,52	5.05	5.21
	тради-ционная	отвальная	4,50	3,65	6,52	5,80	2.78	6,92	4,88	5.31	5,04
		нулевая	3.85	3,53	6,35	5.62	4,56	6,78	5,44	5.13	5.16
Картофель	точная	отвальная	21,7	24,4	19,9	28,6	25,1	32,9	31,0	25,8	26,2
		минимал	20,7	23,2	18,3	25,9	24,6	27,8	26,7	22,5	23,7
	тради-ционная	отвальная	24,2	24,0	19,1	27,6	24.9	30,0	30,3	23,7	25,5
		минимал	19,2	22,9	17,5	26.2	23,8	24,6	25,6	20,8	22,6
Ячмень	точная	отвальная	3,35	2,62	4.33	5,16	3.85	5,55	4,04	4,29	4,15
		минимал	2,99	2,83	4,20	5,00	4,01	5,21	3,99	4,04	4.03
	тради-ционная	отвальная	3,47	2,76	4.26	5,20	3.88	5,50	3,95	4.12	4.14
		минимал	3,06	3,08	4.18	4,95	4.03	5,27	3,90	3,90	4.05

Список использованных литератур:

1. Балабанов В. И. Навигационные технологии в сельском хозяйстве. Координатное земледелие: Учебное пособие / В. И. Балабанов, С. В. Железова, Е. В. Березовский, А. И. Беленков, В. В. Егоров. – М.: Изд-во РГАУ – МСХА имени К.А. Тимирязева, – 2013. – С. –148.

2. Точное сельское хозяйство (precision agriculture) / Под ред. Д. Шпаара, А. В. Захаренко, В.П. Якушева. –СПб-Пушкин, –2009. – С. – 400.

3. Беленков А. И., Железова С. В., Березовский Е. В., Мазиров М. А. Элементы технологии точного земледелия в полевом опыте РГАУ – МСХА имени К. А. Тимирязева // Известие ТСХА. –2011. – Вып. 6. – С. –90-100.

4. Alexey Belenkov, Mikhail Mazirov, Valeria Arefieva Theoretical and practical aspects of basic soil treatment in the conditions of modern soil management systems in Russia // Eurasian Journal of Soil Science. – 2018. - №7 (4). – P. – 300-307.

УДК: 631.481

ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҚУРИГАН ТУБИ ТУПРОҚ-ГРУНТЛАРИНИНГ ФОСФОР ВА КАЛИЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Каттаева Гулноза Норқуловна,
II-босқич докторант,e-mail: gulnozakattayeva@mail.ru
Исмонов Абдуваҳоб Жўраевич,
бўлим мудири, б.ф.н. e-mail: abduvahob60@mail.ru
Мамажанова Ўктамхон Хасанбаевна,
кичик илмий ходим, мустақил тадқиқотчи,
e-mail: mamajanova-1783@mail.ru;
Дўсалиев Алижон Тошпўлат ўғли,
I-босқич докторант

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Ушбу мақолада Орол денгизи ҳудудида сувдан бўшаган ҳудудларда тарқалган тупроқ-грунтларининг таркибидаги умумий ва ҳаракатчан фосфор, калий миқдорлари баён қилинган. Ҳудудда чўлланиш, деградация жараёнларини бошланганлиги натижасида, кўплаб тупроқ гуруҳларида ҳам тупроқлар пайдо бўлиш жараёни ўзгарган. Орол денгизи қуриган тубининг ғарбий қисмида тарқалган қолдиқ шўрхокларда фосфорнинг ялпи миқдори 0.15% фоиздан 0.33% гача тебраниб, профил бўйича ҳар хил таминланган, фосфорнинг ҳаракатчан шакли билан жуда кам ва кам таъминланган, яьни 11,32 мг/кг дан 30,08 мг/кг гача. Ўсимлик ўсиши, ривожланиши учун зарур бўлган ҳаракатчан шакли анча кам. Қолдиқ шўрхокларда калий ялпи миқдори 1,452- 2,232% ни ташкил этади. Калийнинг ҳаракатчан формаси 261 мг/кг дан 597 мг/кг гача таъминланган. Бундан кўриниб турибдики, ўсимлик учун зарур бўлган ҳаракатчан калийнинг шакли юқори даражада.

Калит сўзлар: тупроқ, қолдиқ шўрхоклар, фосфор, калий, Орол денгизи, таминланганлик даражаси, механик таркиб, умумий, ҳаракатчан.

Аннотация. В данной статье описано содержание валового и подвижного фосфора и калия в почвах, распространенных в безводных районах Аральского моря. В результате начавшихся в регионе процессов опустынивания и деградации во многих почвенных группах изменился и процесс почвообразования. Обшее количество фосфора в остаточных солончаках, распространенных в западной части осушенного дна Аральского моря, колеблется от 0,15% до 0,33%, и в различной степени обеспечено по профилю, очень слабо- и слабо обеспечена подвижной формой фосфора, то есть от 11,32 мг/кг до 30,08 мг/кг. Подвижных форм, необходимых для роста и развития растений, значительно меньше. Валовое количество калия в остаточном солончаке составляет 1,452-2,232%. Подвижная форма калия колеблется от 261 мг/кг до 597 мг/кг. Это указывает на то, что в почвах содержание необходимой для растений формы подвижного калия высока.

Ключевые слова: почва, солончаки остаточные, фосфор, калий, Аральское море, степень обеспеченности, механический состав, обшее, подвижность.

Annotation. This article describes the content of total and mobile phosphorus and potassium in soils common in the arid regions of the Aral Sea. As a result of the processes of desertification and degradation that began in the region, the process of soil formation in many soil groups also changed. The total amount of phosphorus in the residual solonchaks, common in the western part of the dried bottom of the Aral Sea, ranges from 0.15% to 0.33%, provided differently along the profile, very weakly and weakly provided with a mobile form of phosphorus, that is, from 11, 32 mg/kg to 30.08 mg/kg. The mobile form necessary for the growth and development of plants is much less. The total amount of potassium in the residual solonchak is 1.452-2.232%. The mobile form of potassium is provided from 261mg/kg to 597mg/kg. It can be seen that the form of mobile potassium required by the plant is high.

Key words: soil, residual solonchaks, phosphorus, potassium, Aral Sea, degree of supply, mechanical composition, general, mobility.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги ПҚ-3975-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Орол бўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида Орол денгизининг тубидаги шўрланган ерларда илмий-тадқиқот ва амалий ишларни кенгайтириш, илмий тадқиқотлар ва инновацияларнинг илғор тажрибаларини жорий этиш каби чора-тадбирлар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги №132-сон «Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда яшил қопламалар – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда Орол денгизининг суви қуриган тубида иҳота ўрмонзорлари барпо этилиши режалаштирилди ва бир қанча вазифалар қўйилди. Жумладан, денгизни қуриган тубидан тупроқ, туз ва чанг тўзонларни кўчишини олдини олиш ҳамда экологик ҳолатни мувозанатлаштириш мақсадларида, ҳимоя иҳота ўрмонзорларни ташкил этиш ишлари жадал суратларда давом эттирилмоқда.

1960-йилларгача йилига Амударё Орол денгизига 38,6 км³, Сирдарё эса 14,5 км³ сув олиб борган. Сув балансида ёғинлар ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Денгиз акваториясига (ҳудуди) йилига 82–176 мм ёғин ёғади. Атрофдан денгизга йилига 5,5 км³ ер ости сувлари қўшилиб турган. Кейинги 60 йил давомида Амударё ва Сирдарё сувларининг камайиб кетиши ҳисобига Орол денгизи, Орол бўйи ҳудудларидаги ирмоқлари қуриб кетди, баъзи ҳудудлари ил келтирилмалари билан тўлган ва қамишзорларга айланди. Орол денгизида сув сатҳининг йил давомида ўзгариб туриши, Амударё ва Сирдарёнинг баҳор-ёз пайтларида тошиши билан боғлиқ [1].

Тадқиқотнинг жойи ва услублари. Тадқиқот обьекти сифатида Орол денгизи қуриган тубининг ғарбий қисмида тарқалган тупроқ-грунтларидан қолдиқ шўрхок тупроқлар танлаб олинди ва дала шароитида тупроқ кесмалари қўйилиб, морфологик ва морфогенетик белгилари дала варақаларида қайд қилинди ва кимёвий таҳлиллар учун тупроқ намуналари олинди.

Тупроқ намуналарини аниқлаш ва бажариш жараёнида генетик-географик, профиль-геокимёвий, дала-стационар, кимёвий ва аналитик улублардан фойдаланилди [2]. Тупроқ кимёвий таҳлиллари Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтида ишлаб чиқилган умумқабул қилинган услублардан ҳамда Е. В. Аринушкинанинг тупроқ кимёвий таҳлиллар бўйича қўланмалари асосида бажарилди [3; 4].

Тадқиқот натижалари. Орол денгизи қуриган тубида тупроқ-грунт қопламларини шаклланиши, дарё фаолияти билан унинг суви сарфи, оқимидаги қаттиқ жинслар, эриган ва ирригацион келтирилмалари билан боғлиқ. Чунки, 1960 йилларгача Орол денгизига Амударё сувининг 20 фоизи тушган ва шунча оқим келтирилмалари етиб борган, қолган қисми ёйилманинг ўрта ва қуйи ёйилмаларида ўрнашиб қолган [5; 6; 7].

Кейинги йилларда Орол денгизини қуриб бориши гидроморф тупроқларни катта қисмлари автоморф тупроқлар пайдо бўлиш босқичига ўтган. Ушбу тупроқлар шаклланган ҳудудлардаги янги босқичда ривожланаётган тупроқларни морфогенетик белгилари ўрганилганда, тупроқ профилида аввалги гидромофизм белгиларини сақланиб қолганлиги яъни, занг доғлари, кўкимтир ботқоқланиш белгилари, ил заррачаларини тупроқни қуйи қисмларига ювилиб тушганлиги, гипс ва карбонатларни ювилганлиги каби кўплаб белгилари аниқланди. Ҳудудда чўлланиш, деградация жараёнларини бошланганлиги натижасида, кўплаб тупроқ гуруҳларида ҳам тупроқлар пайдо бўлиш жараёни ўзгарган. Масалан: аввалари кенг тарқалган ботқоқ-ўтлоқи, ил-ботқоқи, торфли-ботқоқи, қолдиқ-тўқай, ботқоқ ва бошқа тупроқ гуруҳлари ҳозирда, автоморф, ярим автоморф тупроқ ривожланиш жараёнларини жадал равишда бошдан кечирмоқда.

Ҳозирги даврда Орол денгизини қуриган тубида кичик-кичик қум уюмлари, тепаликлари ва барханларини пайдо бўлган. Бундан ташқари, тупроқ пайдо бўлиши жараёнлари қуриган денгиз тубида ҳозирда бир хил кечмаётганлиги ҳам аниқланди. Вақтли сувларни денгизга оқизиладиган сув йўлларида ўтлоқи шўрхоклар, пастқам жойларда типик шўрхоклар, ер ости сувлари нисбатан чуқур жойларда автоморф (чўл қум, тақирли) тупроқларни вужудга келиш жараёнларини бошдан кечираётганлиги

ўтказилган дала тадқиқотларимизда қайд этилди. Орол денгизини қуриган тубининг очилиб қолганлиги, замонавий тупроқ-грунтларни шаклланиш жараёнларини кузатиш имконияти туғилган Республикамиздаги ягона ҳудуд бўлиб ҳисобланади [8; 9; 10].

Ўсимликлар томонидан калийни бошқа озиқавий моддаларга қараганда юқори миқдорда ажратиб олиниши тупроқ унумдорлигининг калий таркибий қисмининг деградацияси кутилганидан тезроқ содир бўлиши мумкин. Масалан, фосфорга нисбатан ҳозирги вақтда, тупроқ унумдорлигини калийга нисбатан агрокимёвий баҳолашнинг норматив-ҳуқуқий баъзаси унинг таркибига ўтиш қонунятларини тўлиқ очиб беришга имкон бермайди. Экинларнинг калийга бўлган эҳтиёжини прогноз қилишнинг ишончлилигини пасайтиради. Тупроқдаги ўсимликлар ўзлаштирадиган аламашинувчи калийнинг ҳолатини доимий равишда кузатиб бориш жуда муҳим. Унда тупроқдаги калий захиралари бошқа озиқа моддаларининг мавжудлигидан сезиларли даражада ошишига қарамай, турли хил қишлоқ хўжалиги экинларининг калий билан таминланиш даражасини аниқлаш ва турли тупроқларда қўлланилганда зарур бўлган калийли ўғитларнинг амалий миқдорини аниқлаш, кўпинча калийни озиқлантириш ташхисининг мураккаблиги туфайли жуда қийин. Ҳаётнинг минерал асосини ташкил этувчи элементлар гуруҳи бўлган калий ернинг тупроқ қобиғида тўпланади ва «педофелон» деб аталади. Денгиз суви таркибидаги калийнинг таркиби 0,038% бўлса унда тупроқда ўртача 1,36% ёки 36 марта катта бўлиши мумкин.


Орол денгизи қуриган тубининг ғарбий қисмида тарқалган қолдиқ шўрхокларда фосфорнинг ялпи миқдори 0,15% дан 0,33% гача тебраниб, профил бўйича ҳар хил таминланган, фосфорнинг ҳаракатчан шакли билан жуда кам ва кам таъминланган яъни 11,32 мг/кг дан 30,08 мг/кг гача ўсимлик ўсиши, ривожланиши учун зарур бўлган ҳаракатчан шакли анча кам. Танлаб олинган кесмалардаги қолдиқ шўрхокларда калий билан таъминланиш даражасини қарайдиган бўлсак, ялпи калийнинг миқдори 1,452-2,232% ни ташкил этади. Калийнинг ҳаракатчан формаси 261 мг/кг дан 597 мг/кг гача таъминланган. Бундан кўриниб турибдики, ўсимлик учун зарур бўлган ҳаракатчан калийнинг шакли юқори даражада (1-2 расм).



1-расм. Орол денгизи ғарбий қисмидаги қолдиқ шўрхоклардаги ялпи фосфор ва калийларнинг миқдорий кўрсаткичлари, 2021 й.

Қолдиқ шўрхоклардаги ялпи ва ҳаракатчан калийнинг миқдори тупроқ-грунтнинг механик таркиби билан бевосита боғлиқ, тупроқларнинг механик таркиби узоқ муддат ўзгармайдиган кўрсаткич бўлиб, йиллар давомида тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларининг барча хосса-хусусиятлари тартиботларида ўз ифодасини топади. Тадқиқот олиб борган кесмаларимизнинг механик таркиби оғир ҳисобланиб, яъни, профил бўйича қуйига томон оғирлашиб борган тупроқлар бўлиб, юқори қатламларда

35-40% ва пастга томон лойнинг миқдори 63,2-71,2% тенг.



2-расм. Орол денгизи ғарбий қисмида қолдиқ шўрхокларда ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий моддаларининг миқдорий кўрсаткичлари, 2021й.

Қолдиқ шўрхок тупроқ-грунтларининг шаклланиш жараёни яъни, ундаги озиқа моддаларининг миқдори Амударё ва Сирдарё сувларининг таркиби билан оқизиб келинган моддаларинг миқдори билан ҳам бевосита боғлиқдир. Кесмалар орасида бўлган тебранишларни ҳам фасллар давомида олиб келинган озуқаларнинг моддалар миқдори билан бир қаторда баҳор фаслли лойқа бўлсада, ёзга бориб анча тиниқ сув келганлигини боғлашимиз мумкин.

Хулоса. Орол денгизи сатҳининг пасайиши ва қуриб бориши, ундан сўнг грунт сувлари чуқурлигининг пасайиши натижасида бу минтақада ўзига хос қуруқ ва енгил таркибли тупроқ-гунтларни вужудга келиши ҳамда ўт-ўсимликлар қопламини кам даражадалиги, саҳроланиш ва деградация жараёнларининг юз беришига сабаб бўлган. Қолдиқ шўрхоклар ялпи ва ҳаракатчан калий билан яхши таъминланган, бу жараённи механик таркиби оғирлиги билан шўрланган ва шўрланишга мойил бўлган тупроқ-гунтларда калийнинг миқдори юқорилигини кўришимиз мумкин. Фосфор эса умуман унинг аксини кўрсатиб турибди яъни, кам ва жуда кам таъминланганлиги билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бутаков А. 1953. Дневник записки плавания по Аральскому морю в 1848-1849 гг. / Изд-во АН Узбекистана, – Ташкент:– С.–13-54.

2. Қўзиев Р., Абдурахманов Н. Ю., Рамазонов Б.Р. 2020. Орол бўйи ҳудудларининг тупроқ ресурслари ва улардан самарали фойдаланишнинг илмий асослари. –Тошкент:
– Б. – 204.

3. Аринушкина Е. В. 1977. Руководство по химическому анализу почв. – Москва,
–С. – 277-310.

4. Методы изучения агрофизических, агрохимических и микробиологических свойств почв на хлопковых полях УзНИИХ. –1993. –УзНИИХ. – Ташкент:–С. 37.

5. Берг Л. С. 1908. Аральского море. Опыт физико-географической монографии, научные результаты Аральского моря. Вып. Известия Туркестанского отд. Р.Г.О.М., – С. – 50-88.

6. Жоллыбеков Б. 1995. Изменение почвенного покрова и ландшафтов южного Приаралья в связи с антропогенным воздействием.– Нукус: – С.– 244.

7. Исмонов А.Ж., Каттаева Г.Н., Рамазонов Б.Р. 2021. Somt issues of improving the hydro geological conditions of the soils of Karakalpakstan. ACADEMICIA an International Multidisciplinary Research Journal. Vol.11, Issue 4, April 2021.–pp-968-973. https://saarj.com.

8. Хюфлер Ф., Новицкий З. 2003. Зелёный шит осушенного дна Арала. –Ташкент:
– С. – 76.

9. Рафиков В.А. 2013. Прогноз изменения геосистем опустыниваюшиеся части дельты Амударьи до 2020 года. изд:Доклады Академии наук Республики Узбекистон. –Ташкент: 2013. – №5, – С. – 23-27.

10. Рамазонов Б.Р. 2020. Влияние обсыхания Аральского моря на почвенный покров. Academic Researchin Educational Sciences Vol. 1 No. 1.– С. – 252-261.

УДК 631.4:632.122

ОРГАНИЧЕСКИЕ УДОБРЕНИЯ В СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ КОМПЛЕКСЕ

[1,2,3]Мазиров М.А., [2]Шентеров А. А
[2]Шентерова Е. М., [3]Халикулов Ш.Т.
mazirov@mail.ru, khalikulov48@mail.ru

[1]РГАУ МСХА им. К.А. Тимирязева, Москва
[2]Владимирский государственный университет имени А.Г. и Н.Г. Столетовых, Владимир, Россия

[3]Самаркандский государственный университет имени Ш.Рашидова, Республика Узбекистан, Самарканд

Аннотация: Тупроқга ўғит солмасликнинг умуман иложи йўқ. Будоимий равишда бир далада экинларни етиштирилиши натижасида юз бериб, бу тупроқларнинг ориқланишига олиб келади: тупроқ ўз хосса-хусусиятларини йўқотади ва унумдорлиги пасайиб кетади.

Калит сўзлар: биогумс, чувалчанг, озиқа моддалар, органик ўғитлар, экологик тоза, компостлар, микрова макроэлементлар.

Аннотация: Без внесения удобрений в почву просто невозможно обойтись. Это происходит из-за постоянного выращивания культур на одном и том же месте, что приводит к почвенному истошению: почва теряет свои свойства и становится менее плодородной.

Ключевые слова: биогумс, черви, питательные вещества, органические удобрение, экологические чистые, компосты, микро-и макроэлементы.

Annotation. It is absolutely impossible not to fertilize the soil. This is due to the constant cultivation of crops in the same place, which leads to soil depletion: the soil loses its properties and becomes less fertile.

Key words: biohumus, worms, nutrients, organic fertilizer, ecological clean, composts, micro and macro elements.

Для оздоровления и плодородия почвы лучше всего использовать такую органику, как биогумус. Вермикомпост, или биогумус - новое, высококачественное, органическое удобрение, которое получают в результате переработки органических веществ в почве (навоза, растительных остатков, опилок, соломы, опавших листьев, остатков силоса, сена, отходов различной промышленности, коммунального хозяйства, птичьего помета и т.д.) Красными Калифорнийскими червями.

Первоначально Американские черви предназначались для ускоренной промышленной переработки отходов и быстрого получения биомассы самих червей, но в скором времени получили признание и в частных фермерских хозяйствах. А название этим червям было дано по месту их выведения - Красный Калифорнийский червь. В условиях любого огорода садового участка быстрое размножение червей может проводиться в компостере, из-за чего уменьшается время компостирования, а полученное удобрение является наиболее ценным, чем обычный компост.

Любые биоорганические отходы перерабатываются червями с последуюшим выделением в грунт копролитов, которые представляют собой биогумус - форма органики, более подходяшей для поглошения растениями. К тому же черви делают почву более рыхлой, что создает оптимальные условия для увлажнения, а также копролиты особенно ценны из-за того, что они содержат концентрированные дозы гуматов (солей гуминовых кислот), которые служат основой всех биохимические процессов, протекаюших в плодородном слое почвы.

Копролиты выглядят как не очень большие комочки круглой или удлиненной формы размером 1-5 мм, которые склеены слизью, из-за чего имеют прочную структуру. Гумус включает в себя широкий спектр питательных веществ, и чем богаче им земля,

тем она плодороднее. Формируется это вещество в результате распада органики под действием почвообразуюших организмов. Беспозвоночные постоянно поглошают продукты гниения из почвы, и при этом их организмы усваивают лишь малую долю питательных веществ.

Остальная масса обогашается их кишечными ферментами и флорой, а затем попадает обратно в грунт. Все вещества, которые входят в состав копролитов имеют такую форму, какая доступна для быстрого и благоприятного усвоения растениями, а их одновременное поступление обеспечивает полноценные развитие и рост культур с первого дня высадки. Копролиты имеют устойчивую структуру. Благодаря слизи, которая склеивает частицы в один комок, гранулы растворяются во влажной среде постепенно, что препятствует вымыванию питательных веществ во время дождей и поливов.

Гуминовые компоненты копролитов не просто питают землю, они усиливают естественные процессы почвообразования во много раз. Мгновенно улучшается структура грунта. Так как копролиты червя, а именно биогумус, содержат в себе целый комплекс питательных веществ для растений в легкоусвояемой форме, невозможно не сделать вывод, что биогумус является биологически активным, экологически чистым, натуральным и безопасным органическим удобрением.

Данный вид удобрения, вермикулит, содержит в себе микроэлементы и макроэлементы, витамины и гормоны роста, природные антибиотики для почвы и питательные вещества. Вредные же вещества, патогенная флора, соли тяжелых металлов, личинки мух, яйца гельминтов и т.д. в составе органического удобрения отсутствуют. Такой продукт, как биогумус, можно приобрести как в обычных торговых центах в отделе «товары для дома и сада», так и специализированных магазинах.

В отличие от навоза, биогумус не вызывает нареканий на неприятный запах и раздражаюшее действие на рассаду. Уникальным органическим средством можно удобрять даже сеянцы овошных культур и цветов открытого грунта. Вермикомпост, или биогумус содержит в себе немало полезных веществ, таких, как:

1. Макроэлементы и микроэлементы в усваиваемой форме для растений;
2. Ряд ростовых веществ;
3. Витамины;
4. Антибиотики для почвы;
5. От 15 до 20 различных аминокислот;
6. Ферменты;
7. Фосфор, калий, железо, сера, калий, азот;
8. Небольшое количество марганца, цинка, меди и бора.

Исходя из того, что биогумус содержит массу полезных веществ, его применяют ко всем сельскохозяйственным культурам, но особенно принято применять его к тем культурам, которые остро нуждаются в питательных веществах с высокой концентрацией, сбалансированных по химическому составу, равновесного действия элементов питания.

Свойства биогумуса: биогумус затмевает виды других органических удобрений по своему воздействию на рост, развитие и продуктивность растений; питательные вещества имеют свойства не вымываться и действовать длительное время; состав полезных компонентов представляется в доступной, легкоусвояемой для растений форме; биогумус формирует такую реакцию среды, что она может подходить и растению и почве; укрепляет иммунитет, повышает приживаемость, содействует активному прорастанию семян, препятствует развитию болезнетворных бактерий; удобрение включает в себя стимуляторы роста растений в природной, натуральной форме.

Обычно биогумус вносят во время перекопки, вспашки. Удобрение подходит для всех видов растений и почв, а применяется и на открытых грядках, и в теплицах, и для комнатных растений. Вносить биогумус можно в любой сезон, ему не страшны сырость и холод. Однако стоит заметить, что гумус не подходит для торфяных почв. В сочетании с ними удобрение погубит посадки. Однократное применение биогумуса, на удивление, дает не менее хороший эффект, который сохраняется 3 - 4 года, а иногда до 7 лет, но всё-таки для лучшего результата рекомендуется вносить его ежегодно.

Необходимо отметить тот факт, что биогумус не требует особенных мер предосторожности, так как это удобрение

абсолютно не ядовито, но, однако, стоит все-таки помнить о мерах безопасности и надевать перчатки, а после работы с препаратом рекомендуется мыть руки качественными очищающими средствами. Также не стоит допускать попадания удобрения в глаза, но если это случилось, то необходимо обильно промыть их проточной водой. Хранить такое удобрение как биогумус стоит в сухих и закрытых помещениях, вдали от продуктов питания, детей и животных. Биогумус сохраняет свойства даже после высыхания, разморозки и заморозки.

